

ЭЪТИБОР ОХУНОВА

**ДИЛ МАХЗАНИ
ИЧРА...**

(Шеърлар)

*Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2004*

84(54)6-5 Узб. 2525. 2004. йизлар
- Шеърлар


32916
H 2

Таниқли шоира ва адаба Эътибор Охунованинг ижоди кенг китоб-
хонларга яқин таниш. Шоиранинг маънавият, қадриятларимиз, аёл
назокати, муҳаббати, инсонийлик мавзуларидағи бадиҳаларининг тар-
биявий аҳамияти бекиёсдир.

Ушбу мўъжаз тўплам асосан янги шеърлардан тузилган. Ранг-
баранг мавзудаги шеърларнинг кўни меҳр, муҳаббат, баҳор, инсоний-
лик, аёл тавсифидайдир.

© Эътибор Охунова, 2004.

Чўлшион номидаги нашриёт-матбая ижодий уйя, 2004.





*Шеңрим,
Соғинаман сени, меңримни тұқиб,
Севиңімни сенің айтаман.
Қубонілағдан ұсніб, ҳасратлағдан ішкіб,
Сиинимокқа сенің қаттаман.*

*Ұтира олмасам дилимдай іғини,
Шалпинганим ұзині панохим.
Оромим ғирилаб олған ғулғүхни,
Сенің сұзламасам — ғұноғ бу.*

СҮЭЗБОШИ ЎРНИДА

Инсон юраги керагида гул, керагида шамширдир. Дунё инсон юрагидан бошланади. Юрак ҳеч нарсага бўйсунмайди. На қилинга, на буйруқча, на ҳукмдорга. Икки олам сарвари ҳам, ҳукмдори ҳам унинг ўзи. Юрак буюрмайди, илтижолар қиласди холос. У керагида майсалар кўксисида титраган шабнамга, керагида метин қояга айланади.

Бедор кўнгилнинг кўчалари гоҳо кенг, гоҳо тор, кўнгил қилга айланади гоҳи. Бундай чоғларда қалам соҳиби кўнгил гўшасига беркинганча зариф хаёлларга гарқ бўлур...

Инсон юраги беспоён музофот, мамлакатга тенг. Бу мамлакатда гўзаллик, мұхаббат, нафрат, қабоҳат, эзгулик яшайди. Уни гоҳ түғсанлар чарчатади, қиймалайди. Фурбатлар нуратади.

Уни умид, ишонч авайлайди. Мұхаббат бошларини силайди, овутади. Унда гоҳ шам йилтирайди, гоҳ зимистон чодирини сяди. Юракнинг ўз қуёши бор, у порлаб чиқади, ботади ҳам.

Кўнгил кенг, беспоён музофот. У дунёларни сиғидиради, олам дардига жой беради ўзидан. Лекин батъзан дардли кўнгил ўзига жой тополмайди.

Каъба — бутун дунёнинг қибласидир. Кўнгил каъбаси эса — юракдир. Кўнгил тошдан қаттиқ, гулдан нозик.

*Тилга кирсин момоларнинг ўт байти,
Осмон заминига севгисин айтсан.
Бир сўз — дилни бир асрга улғайтсан,
Кўнгил ўссин, кўнгилдан меҳр қайтиб.*

Шеър — бу фарзанд. Шеър — бу дард. Фарзанднинг яхши-ёмонаи йўқ. Дарднинг ҳам. Ҳар бир шеърнинг туғилиши қалам соҳибининг дилидан энг азиз ҳисларнинг қоғозга тўклиши, унинг юрагидан кўчкинларнинг кўчиши, соchlарига яна бир укпар оқ толанинг кўниши демак. Бальзан юрагимга месъмон бўлган мўътабар туйғулар, азиз хотиralарга сажда айлаб, маҳзуна сатрларни қоралагум.

Аслида бу маҳзуналик эмас, кўнгилнинг буюргани, унинг дилҳоҳ салтанати ичра ёлғиз, хаёлларга гарқ бўлган сulton дилнинг ўз соҳибига деганлари. Маҳзун сатрларим менинг забунлигим эмас, магурлигимдир.

*Сиз дагал сүз айтманг, юрагим зорли,
Мисқол озорни ҳам бўлмайди ортиб.
Билмам, андуҳларнинг поёни борми?
Билмам, дард юкини бўларми тортуб.*

*Билмам, бу дил маҳзуналик айлаб,
Кутиласми дарднинг сатроларидан.
Бу юрак бир чимдим нурга зор чайла,
Адашмийш туғённинг сахроларида.*

Кўнгил дегани бир умр меҳрга зордир. Ана шу меҳрдан баҳралар олган сонияларда у баҳтиёрдир, дилшоддир. Кўнгил озор топган кун забундир, хундир.

Юрагимда ҳали айтилмаган аллалар, ўланлар, кўхна бу дунёning бошини силагувчи тилаклар, умидлар, орзулар улғаймоқда. Бунинг учун оромлар керак, осойишталик, хотиржамликлар даркор. Дунёниг тинчлиги – кўнгилнинг тинчлигидир.

Борини, баҳорини, зарини фарзандларига бағишилаб, тўлқинларга ёлвориб, қояларга бош уриб, Тангрига илтижолар айлаб фарзандларига ором, осойишталик сўраб бир умрни яшаб ўтган онанинг юрагини ҳамиша ҳам тинглай оламизми, англай оламизми? Бу юракда нелар борлигини, унга ҳам имдод қўллари кераклигини ҳамиша ҳам ёдимизда тутамизми? Биз кўпинча оналар қошида, инсон юраги қошила қарздор бўлиб қолаверамиз.

Муаллиф

ФУНЧАГА ТЕРМУЛДИМ...

Фунчага термудим... ул хандон бўлди,
Дилимдан ранг олиб, минг чандон бўлди,
Сарин еллар боғда саргардон бўлди,
Гулнинг сувратини чиза олмадим.

Гулларнинг кўзида шудринг — ёш кўрдим,
Майсалар юзида биллур қош курдим,
Ойнинг баркашини нурдан чош курдим,
Шудринг сувратини чиза олмадим.

Осмонда тулпорин ўйнар гулдирак,
Маъюсгина титрай бошлайди терак,
Лаҳзалар учарлар... учар чирпирак,
Вақтнинг сувратини чиза олмадим.

Пойимга тўшалмиш қўрнинг уюми,
Бошимда увиллар қўрнинг қуони,
Қаҳратон... увишган кўнгил уйининг
Маҳзун сувратини чиза олмадим.

Боғлардан тало-туп айлаб ел ўтди,
Бир зумда дарёлар тошди, ссл ўтди,
Гул ўтди, нур ўтди, гаримссл ўтди.
Умрнинг сувратин чиза олмадим.

* * *

Дунё дуннинг ўнг қўлида мудом нон турар,
Дунё дуннинг сўнг қўлида мудом шон турар.
Иккисининг йўлида бир ҳакам — иймон турар.
Шон дея азиз ноннинг уволидан қўрқаман.

Гоҳи бсхишт, гоҳ ёбон, саҳролардан ўтарман,
Шодлик гулобин ичиб, гурбат заҳрин ютарман.
Кесча-кундуз бағрига барин иншо этарман,
Йўл сўнгининг саволи-жавобидан қўрқаман.

Дўстларим бисёр доим тўкин, бардамлигимда,
Тахти-равоним баланд, гулгун, там-тамлигимда,
Озор заҳридин забун, дардга ҳамдамлигимда,
Ёри-биродарликнинг заволидан қўрқаман.

Фарзона дамларимда эслагай худолар ҳам,
Маҳзунаман... садақам олмагай гадолар ҳам,
Созласам дутор гирсн, танбуру сатолар ҳам,
Юрагимнинг шўриши аҳволидан қўрқаман.

Ўқтамликни сўрарман шу кўҳна дунёлардан,
Нур, ёғдулар сўрарман шу азим дарёлардан,
Иқболимни сўрарман шу азиз маъволардан,
Орзудаман... сохта сўзининг болидан қўрқаман.

Қўрқаман, ҳаёсини унугтан гул юзлардан,
Туну-кун ботиш билмай балқиган юлдузлардан,
Ниқобларнинг остида қулиб турган кўзлардан,
Тангрисин унугтанинг аъмолидан қўрқаман.

Чумоли — у чумоли... қушмас, дарранда эмас,
Озор берма, капалак гулзор ичра бир нафас,
Ўкситма, гар тўтигининг қисмати бўлса қафас,
Камситмоқлик гуноҳин залворидан қўрқаман.

Тангirim, дилим ғаддорнинг озоридан асрагин,
Қадр-қимматнинг сохта бозоридан асрагин,
Тало-тўплардан, инсон оҳ-зоридан асрагин,
Чарҳикажрафининг ногоҳ шамолидан қўрқаман.

КИТОБЛАР МАҲЗАНИ

Шу махзанга бир умр айладим сажда,
Йўллари гоҳи равон... гоҳида каждай,
Мағриб, машриқларида... бўлдим гоҳ ҳажда,
Сиру синоати мўл бир дунё қўрдим.

Шундай бир салтанат... ҳикмат девор, тоши,
Шундайин самодир... ботмас ойи, куёши,
Шундайин бир булоғ... илму фасоҳат чошлир,
Жавоҳирлар лиммо-лим бир дарё қўрдим.

Бўлдим зоти киромларнинг ҳузурида,
Сабоқ олдим Ҳайём, Бедил, Фузулийдан,
Ҳаёлларим толди Мозий, Муаззийда,
Ҳар ҳарфига ҳидоят, нур — зиё кўрдим.

Дунё кенг, дунё тор... фикр жантги бари,
Илм инсон юрагин нури, гавҳари,
Ул муроду мақсаднинг шоҳи, сарвари,
Бу даргоҳда кўп савобу сано кўрдим.

Кўрдим, кундаларда қотмиш қутлуг қонлар,
Зиндоңлардан келмиш аччиқ оҳ-фиғонлар,
Дунё дуннинг ярмидир сири-ниҳонлар,
Бир ёгини чин, ўзгасин рўёс кўрдим.

Кездим юлдузлари мил-мил кечаларда,
Нодирайи даврон ўтган кўчаларда,
Кўз ёш кўрдим гул юзида, ғунчаларда,
Ашъор қатларида меҳриғиёс кўрдим.

Озурда жон зарифалар — момоларим,
Қуёш, юлдуз кўрмай ўтган самоларим,
Дунё дариф этмай жабру-жағоларин
Армонлардан юрак-бағрин сиёҳ кўрдим.

Бу маҳзанда умр бўйи қолиб кетдим,
Гоҳи қувнаб, гоҳида тўлғониб кетдим,
Гоҳи тутаб, гоҳи буткул ёниб кетдим,
Дилим оташ, гоҳида сим-сиёҳ кўрдим.

Илми нужум китобини варакладим,
Ойдай тўлишдиму, кундай чаракладим,
Ўтмишимни, тарихимни ардоқладим,
Бунда нури Зуҳал, кўзга тўтиёс кўрдим.

Дунё кўхна... мўлдир унинг ҳикояси,
Тополмадим ибтидосин, ниҳоясин,
Самоларни ўпид турар тоғ қояси,
Буюклик пойида ўзни гиёҳ кўрдим.

Шу маҳзанда кўрдим дунё чексизлигин,
Даҳри ҳикмат теран, тубсиз дengизлигин,
Боболарим кўкда ёрут юлдузлигин,
Мунаввар бир олам тўла кимё кўрдим.

* * *

Дардли келди... дардини тингламадингиз,
Хаста дилнинг гардини англамадингиз,
Юрагин тубларига хуб алам-антгиз
Кўнган бир ғубор эди... зангта айланди.

Дард ила борган ул ғам ила қайтди,
Юракда бамисли шом била қайтди.
Афсус ила қайтди, дашном била қайтди,
Учкун эди ўти... катта гулханга айланди.

Умиди бирга эди... ҳамроҳ бўлиб қайтди армон,
Сиз турган ул қояга стмади ҳеч нарвон.
Дунё ҳадсиз йўл дерлар... сиз ўткинчи карвон,
Дил-дардни яширгувчи бир Ватанга айланди.

КЕЛ МЕҲР, КЕЛГИЛ ҚОШИМГА

Кел меҳр, келгил қошимга, кулбам мунаввар айлагил,
Мискининг султон эттил, сунг суманбар айлагил,
Дилшаги пайҳонимни гулзор айла, сайҳонимни тоғ,
Қаҳратон маҳв ўлсин, гулни бошимга чамбар айлагил.

Кел месҳр, сенсиз бу йўллар сўнгсиз довонга айланур,
Келмасанг, дўстим — рақибга, яхши — ёмонга айланур.
Тошлари ёлғон саидолардан қотгай бошимиз,
Чин гарип қолгай, бу олам бари гумонга айланур.

Кел меҳр, келсанг увишган бояларга наврўзлар келар,
Хуш каломни билмаган тилларга байт, сўзлар келар.
Бир-бирин сўз тоши бирлан ўлдирмагайлар то бакай,
Сен — ҳидоят келсанг, ёруғ юзлар, нуфузлар келар.

Сен месҳр, лутф айла, боғла Магрибни Машриқлар билан.
Юртимиз обод бўлгай дўстона ташрифлар билан.
Бепоён бу олам ичра тенгти йўқ бу салтанат...
Энди дунёлар қизиққай ҳазрат Машраблар билан.

Кел месҳр, нури-чирогим, соғинур маъсумалар,
Тошга жон киргай, баёзга айланур манзумалар.
Жилгалар дарё бўлурлар, кулбалар даҳри фалак,
Сен — најжот остонаси... пойинг ўпар маҳкумалар.

Кел меҳр, узлатга кетсин... кин, қабоҳат, риндалар,
Нур-зиң күргай синиққан, ранги заҳил зиндалар.
Сен ҳасад дунёсини ёндири меҳр, машъыл булиб,
Бир-бирини севсин, тавалло айласин бу бандалар.

* * *

Шукроналар айтай, айтай санолар,
Турна карвонига тұлмиш самолар,
Умри фарзоналар, азиз момолар,
Баҳор, гуллар... Сизға тұсна бұлсан.

Сочимизга зебдир тол баргаклари,
Майналар чүп таширлар сергакланиб.
Ям-яшил майсаларға йүргакланиб,
Үйғонувчи боғлар гулхона бұлсан.

Армонларим құлар тубсиз жарларға,
Юрагим жой бермас энди зорларға.
Қаландар қүшларға, гул, гулзорларға,
Ташна умидларим мастана бұлсан.

Фунчалар лабини очар хандага,
Сулувлар ўт қалар күш чирмандаға,
Баҳорға зори-зор мендек бандага,
Дугорин созлашға баҳона бұлсан.

Тоғларнинг пойида лола ахтариб,
Үқидим чашманинг севги дағтарин.
Нозик сибизғаси сүзлар дардларин,
Түгёнларим унға ҳамхона бұлсан.

Турналар самога ёзар хатини,
Иншосини, баҳор тариқатини.
Само тұқар обини-раҳматини,
Дегай: Барокат құт шоҳона бұлсан.

Ялпизлар безабди анҳор лабини,
Бұтана сувларға дер матлабини,
Ошиқлар маъшуққа очса қалбини,
Майли, ишқ асрори пинҳона бұлсан.

Турна қанотида келади баҳор,
Булбул баётида келади баҳор,
Уни кутиб яшариб кетдик биз алҳол,
Кутлуг дисримиз түйхона бұлсан.

НАВРҮЗИМ, ОРЗУМНИНГ ЁРУФ ЮЛДУЗИ

Қаро киприкларим майсаларинг ўпсин,
Соғинчларим кезсин жилгаларинг излаб.
Баҳор гуллар септган самолардай кўксим,
Багримга босайин тиконларинг сизлаб,
Наврӯзим, пойингга тиз чўкай ўзим.
Сени қўмсайвериб, афсоналар айтиб,
Куйлайвериб бўлдим мен дарвешона.
Гўдак мұхаббатим ўзимдайин улгайди,
Тавоф айлай, гулларга маҳзан кошонам,
Наврӯзим, орзумнинг ёргуф юлдузи.
Турналар самога ёзар иншолар,
Жилгалар созлайдир хушкай найини.
Хушхон күшлар – ҳофизлар, дилкушолар.
Шоҳу гадоларга сендеқ қойимни,
Шарафлаб тенг қилур кечакундузни.
Сен келдинг, тиконлар ҳам райҳонланди,
Булоқларнинг кўзи лиммо-лим ёшга.
Қир бағрида лола гулханлар ёнди,
Тоғлар яшил дурра ўради бошга
Сувратингни чизарлар сенинг, муnisам.
Боқсан, тоғ бағрида сен ўлтирибсан,
Май қуйиб лоланинг қадаҳларига.
Қоялар бағрида гул ундирибсан,
Нур йўгириб юлдуз садафларига,
Сувратинг чизаргла сенинг – гул юзим –
Қилқаламим, рангин бўғим йўқдир.
Тавсифингга йўқдир ўтли каломим...
Бу хил хижолатдин, бундайин юқдин,
Бошимни эгдиму афтодадир ҳолим,
Пойингга тиз чўкдим... шу шарҳи сўзим.

ЮРТ СОФИНЧИ

Олис мамлакатларга қилинганд сафарлардан сўнг...

Мовий денгизлар сўзлади эртагини,
Яйраганим бордир олтин ҳовузларда.
Лескин дилим кемиргани, ўртагани,
Чопони бекасам тарвуз полизларда...

Согинибман, бол неъматин қишлоқларим,
Денгизларда улкан-улкан кемалари.
Миноралар самоларни турар ўпид,
Юрагимни орзиқтирган нималари?
Несга дилим бунча зорли, бунча юпин?
Согинибман, юлдуз түкилган бөгларим.
Лабларида лаълдири, чсҳраси бўздейин,
Кўчаларда юрар қизлар – кашандалар...
Юзи ширмой, нигоҳлари юлдуздайин, –
Ўзбек сулувлари... дилим ўшаларда –
Согинибман, дўсту ёрим, ўртоқларим.
Юртим,
Қайтаяпман... осмонингда ой кўринди,
Пойингга тиз чўкай нури-ҳидоятим.
Ана, анҳор, тўлқин урган сой кўринди,
Кўй-кўйилар тўла қирлар иноятин –
Согинибман, сайҳонларим, раҳонларим.
Юртим, тупроғингни ўпдим зорим айтиб,
Зор эмас бу... юракдаги борим айтиб.
Бөгларингга насим каби қайтиб-қайтиб,
Келавергум, мастанангман, йўлим қайтиб
Кўзларимга сургум ўпид гисҳларинг.
Сенга суннаман тоғим, қоқилсан гар,
Сенга атаб тўқийдирман ёр-ёрларим,
Тиз чўксам гар, тавоғ этсан, топинсан гар,
Соғинсан гар сенинг гулу баҳорларинг,
Кучсан агар сени, яйрар ардоғларим.
Соғинганман жилға, дарё, кўлмагингни,
Қиблагоҳим, зогларинг ҳам эъзозлайин.
Бир умрлик армоним, сен куйлаганим
Сенга ҳар бир ёниб ёзган баёзларим,
Онам ўзинг, кечиргувчи гуноҳларим.

ТУПРОҚ

Бир таёқни санчсангиш гар тупроққа,
У бир куни айланади чинорга.
Бу қудратни йўйманг асло жумбоққа,
Бу саҳийлик ёрдир ҳикмати борга.
Тупроқ боғи – беҳишт меҳнат фаслида,
Боли – неъмат ҳадия айлар эл-юртга.

Она тупроқ армон бўлар аслида,
Уни топтаб ташлаб кетган манқуртга.
Девор, пештоқ, қаср демакдир тупроқ,
Истасантиз тиклайсиз минорларни.
Кечирмагай ҳаргиз, кутмагай муштоқ,
Ватанига бегона бсроларни.
Ул маҳзанинг бағри тўла жавоҳир,
Оқу қора олтин, дуру кимёлар.
Тупроқ эмас, ҳар қатраси гавҳардир,
Огушида асраб стар дунёлар.
Тупроқ беркитгайдир кибру ҳавони
Манманликлар бағрида пинҳонадир.
Сийму-зарни... қабоҳатни, ёмонни,
Яширгувчи бир ҳоксор онадир.

ОНАЛИК

Ажаб ҳикматлари бор бу мунис оналиknинг,
Бу на санодир, ва на даъвоси доноликнинг.
Заминдай юки бордир, уфқлардай бағри кенг,
Уммондай тутёнлари бор бу ҳамхоналиknинг.

Она кўксидә ёнган оловда ёнар ўзи,
Бедор чархи-кажрафнинг у тун-кун уйғоқ кўзи.
Безовта бу дунёнинг осойишин қўриқлаб,
Омонликдир бир умр унинг айтгувчи сўзи.

Титратганда юрагин ногаҳоний кўчкинлар,
Қароғларин бирма-бир ёндиrsa гар учқунлар,
Бир ўзи кўтаргай у бор азобнинг дарзини,
Тилакладир, дер: ўтиб кетгусидир бу кунлар.

Оналик – бир мамлакат... меҳр мўл боғларида,
Алла, ўлан, муҳаббат ўсар ардоғларида.
Кўхна эртаклар яшар, кўхна бу салтанатда,
Қизлар – барчин, ўглонлар – лочиндир тоғларида.

Фарзандларга бўлишар баҳту тахт, иқболини,
Юз бўлакка бўлар у битта бутун нонини.
Дилининг туб-тубига яширад ҳасратларин,
Баҳту иқбол, нон недир, тутар ширин жонини.

Она ўзи нурайди, суюб, алқаб зурёдин,
Кўз нурига ўрайди, умр сўпар дунёдин,

Үзга бахтни танимас, тан олмагай бир умр,
Фарзанд камоли унга қимматроқ шамсү ойдин.

Она ўзи курайди бошига ёққан қорни,
Ўзи снггади фақат барча ранжу озорни.
Борин, жону-жаҳонин фарзандларига тутиб,
Кутгани фақат меҳр, меҳр... меҳрга зорнинг.

* * *

Кўнглимни пора қилдим, жонимни қурбон айладим,
Ёнганим ошкор ўлди... кўз ёшим пинҳон айладим.
Ўчмасин деб нур — чирогинг, сўлмасин деб бобингда гул,
Кўзларим нурини шаъм, бағрим қирмиз қон айладим.

Мен эдим кўнгли баҳор, равзайи гул ичраким.
Гул баҳор қўйнида мисли қаҳратонга учрадим.
Бепоён дунёлар ичра кулба янглиғ кичрайиб,
Қоядан нурдек тўкилдим, қалбимни сўзон айладим.

Бу азиз умрим ўтар, кўнглим согинчларга кўмиб,
Минг куним ёшли қарогим, бир куним баъзўр кулиб.
Бир куним ўтгай чироғли, минг куним зулмат бўлиб,
Оҳ, ўзим асрарни билмай, умрим шабистон айладим.

Севгили дунёга боқдим, гоҳ ҳавас, гоҳ зорланиб,
Гоҳ тўниб, гоҳида-чи, тонглар каби оҳорланиб.
Богимиз кездим, чамандан нур олиб, баҳорланиб,
Олис ул ҳижронларим шеър, гоҳи достон айладим.

Сўлмади... сўлдирмадим бир гиёҳ, бир заррани,
Богимиз гул ичра бўлди, соҳиби — мен сарғарив.
Кулбамиз нур ичра бўлди, соҳиби — кўнглим гарив,
Мен сенга тоғ ўлдиму, леск ўзим сайҳон айладим.

Тинмади алла, ўланлар... сўйладим эртакларим,
Улғаюрлар лочину гул — навниҳол куртакларим.
Дафтари қоғозда ифшо дил сўзим — эрмакларим,
Мен умид боғин яратдим, янтоқни райҳон айладим.

Лаҳзалар йилларга тент, мен кўнгил ичра аласт,
Аржуманд туйгуларим исён қилурлар бастма-баст.
Бу кўнгил кулбамнинг дарду жангларига қасдма-қасд,
Бу кўнгил даштини беҳишту гулистон айладим.

ИККИ ДҮСТ

Бири түгилди қасру айвонли бир бөг ичра,
Чүмилди биллур ҳовуз, чашмайи булог ичра.
Хаёт деган донишнинг синов-сабоги ичра,
Тўзмади аламлардан, totmadi ҳеч бир озор.

Гар бисёр кошоналар она ср куррасида,
Дўсти түгилди пастқамгина бир кулбасида.
Хаётнинг не ҳикмати бор эди бу рамзда,
Икки дўст тенг түгилди... ёнма-ён бўлди мозор.

Бир маҳалла, бир мактаб... болалик ўтди бирга,
Бири бирини асраб, шукр айлаб тақдирга.
Хаёт лиммо-лим экан тийнат, синоат-сирга,
Улғайтак, ўзга булди... ўзга чойхона, гузар.

Бирига дил улашиб яшамоқ бўлди роҳат,
Шогирдларига устоз, меҳрибонлик беалад.
Тангри иқтидор берди, бу унга камолу баҳт,
Элу юрт ҳизматига борин айлади нисор.

Бири болу пар ичра... саёҳат, кенг манзиллар,
Умидлари сийлару, орзулар бошин силар.
У бехабар улгайди кўрмайин таназзуллар,
Отаси суюнчиғи, кувончи онаизор.

Ҳеч кимсага мурувват, эҳсонни кўрмай раво,
Эрта-ю кеч майшат... тинглади қушиқ, наво.
Умид кўзларин тикиб саргайди азиз маъво,
Ўйламади, бир куни тугайди-ку бу бозор.

Ҳо-ю ҳавас ўсади ҳар сония бўйма-бўй,
Улфатлар ҳам танлади борин ўртага кўйиб.
Хаёт — бу беназирдир, ҳар они бир катта тўй,
Ўйлар: умр — ғанимат, ҳар бир бекати бозор.

Чакалак сўқмоқларга тушди дўстининг йўли,
Тўзонлар олиб кетди боядан ифор гулин.
Гоҳ нуради, гоҳ чўқди сўзонлардан тоғ кўнгли,
Кибор дўст йўқламади, бўлмади ҳеч ғамгузор.

Бўшамади зиёфат, анису аҳбоблардан,
Пойига тушалгуси поёндоз зарбофлардан,
Ортмади тотли ҳаёт, қирмизи гулоблардан,
Фамли дўстга бормади, айлаб уни хоксор.

Тангри берди уларга ҳаёт деган бир ишқни,
Бирига берди меҳр, бирига аркон-кўшкни.
Кўйлар икки оҳангда иккиси бир қўшиқни,
Иккисига икки хил дунё берди, дунёйи зор.

Поёнига ҳам етди умр... дунёйи соҳир,
Дерлар: Тангрим ҳамиша ишига чевар, моҳир.
Сўлим икки бешикка белаб иккисин охир,
Деди: Энди ўзгача тошу тарозулар бор.

Тошлар ботмасин дебми, бежон ул сўнггакларга,
Ўрадилар иккисин беғубор йўргакларга.
Дўсту ёрлар кузатди тизилиб йўлакларга,
Иккисига бу ёргу олам бўлгач тангутор.


Бир тобутни фозилу фузалолар кўтарди,
Ўзгаси кибор елка — елкалардан ўтарди,
Икки омонат икки сўқмоқ бўйлаб кстарди...
Иккисига бир узлат, икки қабр турар зор.

Ул ҳилқатнинг тошлари оғир, йўллари душвор,
Бу тийратнинг юз мингта савол-жавоблари бор.
Унда на давлат ва на обрў-нуфузлар даркор,
Аларнинг бозори йўқ, қўлмишиларингдир бозор.

Икки дўст ёнма-ёндир мангулик маконида,
Нархи, баҳоси ҳам бир бу хилқат дўконида.
Улушин кутиб ётар узлатнинг ўпқонида,
Ўзга-ўзгадир қисмат, ўзга роҳату, озор.

Баҳор... ҳеч ажратмади, бу — гул, бу-чи тикон деб,
Тоғу тошлар, сайҳонларга тўшади бирдайин сеп.
Ороладирайхонларни, тиконга ҳам берди зеб,
Сукунат оламин ҳам у айлади лолазор.

Йил ўтди... икки дўстнинг қабрин қилдим зиёрат,
Икки манзара қилди ақлу хушимни форат.
Англаганим: бу срда пинҳонадир бир ҳикмат,
Бир мозор гул ичрадир, тиконзор ўзга мозор.



МАВСУМЛАР

БАХОР

Дараҳт гулдир
Думогимда ифюри.
Күкда чақин гулдирими,
Ё Гүрүглиң тулпори.

Қиры адир, сайхонлиқда,
Келинчак сеп-андози . . .
Хатто тикон райхонликдир,
Бұтана сув пардоғли.

Байту ғазалдек туюлар,
Мусичанинг ку-куси.
Шаршаралардан қуюлар,
Қаңқаңаси, кулгуси.

Жилғалар ҳам чалар аста,
Нозик сибизғасини.
Соҳиллар тоққа ҳавасда,
Үрар күк дуррасини.

Қалдирғочлар — месімрочалар,
Курад ошён — қасрлар.
Фунчаларми, туморчалар.
Гулчи — асаларишар.

Бу фаслда ҳайрат түкин,
Түкин күшлар сайроби.
Қир лоладан тилас түқиб,
Тикар қирмиз байробин.

Бу фаслда тикилади,
Гуллардан уй, капалар.
Нур-жидоят түкилади,
Гулга құнса капалак.

Табассумли ҳур келинчак!
Юрагимни инжитма.
Фусунгарим, бир илинжим,
Қаламимни тинчитма.

ЁЗ

Боғ четида чархпалак айланади гирён билан,
Анҳор шарҳи рози билан, кўкси тўла туфён билан.
Икки мунис сирлашарми кўҳна, дониш дунё билан,
Офтоб қучоғида ёниб келганида сулув ёзим.

Боғ айлансан, анорларим ақиқ, мисли чўғ бўлибди,
Бутоғларда қашчаларим мунча сайроқ шўх бўлибди,
Гулзоримда капалаклар гул ҳўплаб гулруҳ бўлибди,
Мунавварлик оламида кулганида сарафрозим.

Үргилайин, саратону жазираинг-да жонимдадир,
Шул оташлар албат менинг тоза, қайноқ қонимдадир.
Кўнглим шукуҳларга тўлиб, қалам тутган онимдадир,
Орзуланай, ўзинг каби оловлансан шеър-баёзим!

Нески рангпар гўшаларни ёғдуларингта кўмурсан,
Боғ тўла ризқу рўзимиз — бол тўла билур қилурсан.
Кулбайи аҳзон — дилимни шодумон гулгун қилурсан,
Жозибим, мафтунадирман, сен ўзинг дилнавозим.

КУЭ

Сарин еллар елпинади,
Бедор айлар тунларимни.
Беоромлик эпкинида
Отган маҳзун тонгларимнинг.
Садолари ҳазонларда...
Нигоҳларим мезонларда.

Олояларнинг рангларида,
Ёришади боғлар дуркун.
Тугёнларнинг чанталидан,
Омон ўтган дил тугунин.
Ечар тўкин куз мавсуми,
Мунча гўзал у матсума.

Баркашларда турар кулиб,
Ёқут, лаълилек нсъматлар.

Даҳри дунс тўлиб-тўлиб,
Сўзлар кузнинг ҳикматларин.
Ул донишманд... мен бир фақир,
Учраштириди бизни тақдир.

Таъзим, ҳикматлар махзани,
Остонангда эгарман бош...
Кутлай сенси, қутла мени,
Кўксимда шукронга, бардош.
Нисор айлай кўз нуримни,
Тенгдошим, аспа гурурим.

Сарин еллар елпиндилар.
Деди: — олгил қофозингни.
Түгенларнинг эпкинида,
Бир-бир сўзлагил розингни.
Солгил рўмолингни бошга,
Нуронийлик фасли бошқа.

КИШ

Олисларга учар қушларим,
Қанотида ғазалим, байтим.
Куйга солиб хайру хушларин.
Хайрлашар ризолик айтиб.

Турналарим қачон қайтади,
Қачон қайтар ўтли сўзоним.
Қаҳратонлар сано айтади.
Куйлар қуюн ичра тўзони.

Согинаман: ялпизлар излаб,
Салқин сувга юзим чайганим.
Само тўла гулми-юлдузлар,
Остидаги сўлим чайлани.

Излар эдим шеърга ҳижолар,
Радиф айлаб гули-настарни.
Саболарни сатримга жойлаб,
Билмас эдим ис у хасталик.

Гуллар қани... стар ястаниб,
Қор ўйини срда, самода.
Бу фаслда мендең хастани,
Излаб қолса дүстлар мабодо.

Хәслларнинг кулбасидаман,
Қулаб соғинчларнинг чоҳига...
Қалам, қоғоз тўрвасида ҳам,
Машқлар зор гул сабоҳига.

Баҳорлар-ку келали қайтиб,
Қайтиб кслар қушлар бегумон.
Табиатга альёрин айтиб,
Куйчинг пешвоз чиқарми омон.

Дунёи дун, баҳорни кутар,
Останантда мендең бедоринг.
Гулларга зор куйчинг ҳам ўтар,
Унутмагил, онайи зорим.

НАҚҚОШ

Юрак қалами билан фусун яратгай наққош,
Наққошлар бу – энг ўтли нигоҳdir, балки кўз ёш.
Азиз туйгулар сингар ганж-кашталар қатига,
Сўнг замзамадир улар, сийнадир ишқ, ҳайрат чош.

Асрлардан асрга ўтгуси бу дастхатлар,
Бағрида дилшодликлар, қатларида хасратлар.
Сухайлдек нур ичра мангу япайди наққош,
Тарих қаърида ухлар бебаҳо забарждлар.

АҚС-САДОЛИ КАРДИОГРАММА

Ҳар гал тинглаганимда юракнинг садосини,
Бу зариф, митти жоннинг ҳайқириқ, нидосини.
Шикаста хәслларнинг кўчасида аластман,
Тополмайин қиссин умримнинг фидосини.

Шифокорга сўзладим ҳаяжон, ҳайратимни:
Юрак не, сўраб унинг тийнати, сийратини.

Бунча Лайлываш, бунча ссҳрлидир овози,
Англатинг унинг сирли дунёсин қудратини.

У деди: Сўзлай Сизга бувимдан эшитганим,
Тинглаган ривоятим аллами, қўшиқдами,
Юрагимнинг чироги, ўчмагин дегандилар,
Тебратиб мени аста беланчак, бешикдами.

Эмиш:

Юрак нидоларига жойлаб жони жисмини,
Ҳар урганида айтар экан «Оллоҳ» исмини...
У дарвешдек тақрорлаб, коинотга солиб жар,
Англатаркан ҳастнинг бир ҳикмат — тилсимини...

Энди билмоқчилирсиз, не дер экан шифокор:
Ҳаст — бу азиз неъмат, болу пар, гоҳ жафокор.
Қўшиғи, йигиси бор, бўрону довуллари,
Ҳаммасига юракнинг метин бардоши даркор.

Пойингизда тушалмас мудом бехишт, чаманлар,
Гоҳ тош ҳам отарлар рақиб отлиғ ёмонлар,
Гоҳ вужудингизни тилгай тилнинг ханжари,
Қонга белар юракни отилган ўқ-камонлар.

Гоҳо пешвоз чиқади ёвузлик йўлингизга,
Гоҳо тушар изғирин, гул баҳор кўнглингизга.
Гоҳида қоялардан нур янглиғ қулагайсиз,
Талҳи ёшлар тўлгайдир гоҳ мунгли кўзингизга.

Асранг, қўриқланг хушёр, кўздек авайланг уни,
Ҳастингиз посбони, у уйгоқдир кун-туни.
Бедорлик — тэйнати, шу қудратдан бу садолар,
Юрак — умр чироги... сўнурсиз у сўнган кун.

ДУНЁДА ИФОРИ БИР ГУЛ БОР...

(У кўнгил гули)

Ўғлим, сен танладинг кўнгил йўлини,
Ҳоқон деб сайладинг ўзингга уни.
Лекин дилнинг ёбон, довон, чўлини,
Осонгина босиб ўтиб бўлмайди.

Дунёда ифорли гул – күнгил гули,
Дунёда заҳматли йўл – күнгил йўли.
Гулоб эмас, турмас шарбатга тўлиб,
Зардоб тула жом ул, ютиб бўлмайди.

Кипригингга тўлар гоҳ талҳи ёшлар,
Бағринг эзганида ёсумон тошлар.
Адо бўлса ҳамки сабр-бардошлар,
Кўнгил кулбасин тарқ этиб бўлмайди.

Кўнгилнинг бир мустаҳкам илдизи бор,
Кескир бир шамшири, ўткир кўзи бор,
Кўнгил – осмон... ақдек юлдузи бор,
Шуурингдек қибланамо бўлмайди.

Дунёда энг оғир юқ бор – дил юки,
Кутаролмай уни, қолма тиз чўкиб.
Яшамагил асло гуруринг букиб,
Ёруғ тонгни тунсиз кутиб бўлмайди.

Кўтаролсанг кўнгил берган ларзани,
У нурдир, ҳидоят, меҳр маҳзани.
У мурод-мақсадга стказар сени,
Бахтта имтиҳонсиз этиб бўлмайди.

Кўнгил буюрмайди... айлар илтижо,
У сенинг вужудинг, иймонингга жо.
Таъқиб айламагай бехуда, бежо,
Унингсиз баҳт этагин тутиб бўлмайди.

* * *

Меҳр йўлида эди кўзлар қаролиг ичра,
Васфини куйлар эди диллар яролиг ичра,
Ул эди олисларда, мубҳам оролиг ичра,
Уни мукаррам этган дисеримдан айланай.

Шукрким, муруват ҳам кўзу қароғлардадир,
Кулбамиз ёритгувчи нури қароғлардадир.
Демангиз, меҳр олис шому йироғлардадир.
Меҳрга доя булган давронимдан айланай.

Шукрким, кунлар обод, тунлар мунашвар бўлгай,
Одамзот бир-бирига суюк, суманбар бўлгай,

Юрагида кин эмас, муҳаббат анвор бүлгай,
Меҳр-муҳаббат омон... омонимдан айланай.

Меҳр-оқибат бирла келгай жони-жаҳоним,
Беҳиштларга менгзалгай чўлу саҳро, пайҳоним,
Қояларга, тоғларга бўй чўзгай қир, сайҳоним,
Тор гўшамни кенг этган жаҳонимдан айланай.

Бир ширин сўз ссхридан дилда машъал ёнадир,
Бир совуқ сўз заҳридан лашкар ҳам қўзғоладир.
Дерлар: Меҳр — бу кўхна дунёта ҳам онадир.
Эзгулик улғайтган онаи зоримдан айланай.

Йўлларини тўсмангиз, меҳр кезсин дунёни,
У голиб юрсин мудом, енгиб кибру рўсни.
Мисқолламант, қизғонмант, беркитмант у кимёни,
Қаҳратонларда унган баҳоримдан айланай.

Дерлар: Меҳр инжуга айлантирап тупроқни,
Фурбатнинг йўлин тўсиб, у даф қилур фироқни.
У бўлса, қошингда кўр ҳатто шому йироқни,
Замонлар ичра дорил замонимдан айланай.

Дерлар: Қилич билан даф бўлмагайдир рақибинг,
Наф бермагай кудурат, коҳишларинг, таъқибинг.
Меҳру дилинг элчи қил... остоңангда ҳабибинг,
Меҳр яхши айлаган ёмонимдан айланай.

Дерлар: Меҳр кўнгилнинг парпираган чироги,
Удир — ҳикмат битилган китобнинг зар вароги.
Меҳрли кулба — ёруғ, меҳрсиз қаср — қоронгу,
Уни сиймиё этган давронимдан айланай.

ТОНГ – МУНАВVARЛИКДИР

Тонг отар... ифорлангай, боғ тўлгай саноларга,
Нур — харир қанот бўлгай мудраган саболарга.
Мил-мил юлдуз тўкилгай — гул тўяла чамалларга,
Борлиқча кумуш ранглиг пояндоz тўшалганда.

Хушхон қушлар жам бўлиб, шарҳи розин сўзларлар,
Хонишларга тўлади бўғот, бутог-гузарлар.

Мунаввар тонгнинг нағис мажлисини тузарлар,
Борлиққа кумуш ранглиг пояндоз түшалганда.

Қай қалам битгай буқун субҳининг жамолини,
Қай қалам чизгай унинг суврати, аъмолини.
Тонг отар... нури билан ювгай дил малолини,
Фунча дил гулга киргай ишқу-роз түшалганда.

Занқиәб айлагай тонг қулбам, йўлакларимни,
Алқар дил дафтаримга битган тилякларимни.
Тонгнинг илк баёзини нур ила йўргакларман,
Борлиққа кумуш ранглиг пояндоз түшалганда.

Майсалар, ўт-ўланлар чўмилар ёғдуларда,
Жилваси райҳон зулғи, шафтоли, олуларда.
Мұхаббат ифшо айлар булбуллар чолғуларда,
Бир ажиб ҳол гулшанда... ранг — пардоз түшалганда.

Тонг... қарогин очурлар орзулар, иноятлар,
Ҳикматларин сочурлар пойингта нур — ҳидоятлар.
Кулфи дилинг очурлар энг суюқ тариқатлар,
Жойи номозга иймон, ишқ ҳамроҳ түшалганда.

Қўш қават эшикларни очар бувим дуода,
Месҳр мўл бўлсин деган орзуда, муддаода.
Йигитлар танти бўлсин, қизлар шарму ҳаёда,
Ёғдуларга йўғрилган эзгу роз түшалганда.

Таъзимга чиқар тонгда, ҳурлиқо келинчаклар,
Бошда харир рўмоли, тилякда беланчаклар.
Тандир бошида сергак оналар — куюнчаклар,
Несъмат тўла дастурхон... ризқу рўз түшалганда.

Тонг дала-тузлар кезар, офтобларин тўшайди,
Наздимда тонг офтобнинг сувратига ўхшайди.
Борлиқ ҳам тун зулматин зунноридан бўшайди,
Ерга самодин бир ишқ, сарафroz түшалганда.

Гул-гиёҳлар баргига иншоларин ўқирман,
Шуълаларда тонг сўзи — ифшоларин ўқирман,
Ҳар қатрада дастхати, рўшноларин ўқирман,
Юртимга ёғдулардан сеп-андоз түшалганда.

ЙҮҚЛОВ

(Дадани ёд этиб...)

Ортанериб дилга ҳижрон зилларини,
Унутибман армоннинг ой, йилларини,
Майса кўммиш қабрингизнинг йўлларини,
Тиконлар ҳам билар менинг келаримни –
Сугорарман тўкиб кўз ёш – селларини.

Қабр узра мажнун тол бош эгиб турар,
Навдалари сағанага тегиб турар,
Яхши-ки, бардошлар дардим снгиб турар,
Юлдуздек бесаноқ бедор тунларимни.

Уй тўрида танбуурингиз, дуторингиз,
Термулмоқдин чарчамагай бу зорингиз,
Қароғларим қўриқлагай мозорингиз,
Киприкларим супургайлар йўлларини.

Ота бўлди... Сизни ота деган болам,
Дунё берди руҳингиздай қўҳна олам,
Мангуликка даҳл қилмасман сира ҳам,
Англай дейман даҳри дунё сирларини.

Сиз дердингиз: – Умр – дарё, ўткинчилир,
Ҳаёт – қувонч, гоҳо дилнинг ўкинчилир...
Юрагимнинг орзу, зори ўтиначилир –
Равон қилсин дейман умр йўлларини.

Тупроқ ичра ис тариқат, ҳикмат ётар,
Савоб, эҳсон... ҳусумату туҳмат ётар,
Гуноҳсизлар, орсиз юзлар қат-қат ётар,
Интиҳода Тангри билар қиларини.

Дада, бсланчаклар зурёдларга тўлди,
Бешик салтанатин ўланлари мўлдир.
Юрагимда қувонч – гулдир, армон шулдир –
Кўрмадингиз норғулларим бўйларини.

Улар менга ота-она, паноҳимдир,
Савоблари беадад, бесаногимдир,
Умидим манзили, бсадоғ роҳимдир,
Менга – дунё, машъаллари уйларимнинг.

ЮРАК

«Юрак жарроҳлиги — бу тиббиётнинг чўққиси. Юраклар беҳисоб, лекин улар бир-бираига сира ўхшамайди. Ҳар сафар катта ҳаяжон ва илтижолар билан юрак қафасини очаман... Юракнинг поласини тинг-лайман. Ҳар бир юрак бир-бираига мутлақо ўхшамайдиган бир дунёга тенг эканини ҳис этаман...»

Шеър юрак жарроҳлиги маркази шифокори Қаландар БОБОЖОНОВ-нинг сұхбатидан таъсирланиб ёзилди.

Инсон йироқ бўлса кибру ҳаволардан,
Хузур изламаса кайфу сафолардан,
Ўзгаларга озор, жабру жафолардан,
Бу юракнинг кенг, баҳрали дунёси бор.

Инсон бўлса майда-чуйдаларнинг қули,
Кўкрагида бўлса қабоҳатнинг гули,
Орзулари мубҳам, туманли, қайгули,
Бу юракнинг тору танқис қафаси бор.

Муҳаббати тупроқни кимё айласа,
Сұхбати дилгирни ҳам дунё айласа,
Меҳрин — чашма, бағрини дарё айласа,
Бу юракнинг битмас меҳригийёси бор.

Юлдузлардай ёргуғ, бедабдаба, сокин,
Ўзгаларга ортмаса изтиробнинг юкин,
Мискинларга муруввати мудом тўкин,
Бу юракнинг ҳидояти, зиёssi бор.

Тийбатидан ёришса агар зулматлар,
Ҳикматидан нажот тоғсалар дардманлар,
Фикратидан лол ўлсалар хиралмандлар,
Бу юракнинг дориламон дунёси бор.

Орзулари — молу давлатнинг аркони,
Ҳавасларга қул бўлса бори имкони,
Тўлмаса гар бир умр хирсин ўпқони,
Бу юракнинг нафсадан ўзга нимаси бор.

Булар — инсон кулгусидир, ноласидир,
Воласидир, кўз ёшининг жоласидир.
Дил — эзгулик, гоҳ турбатнинг онасири,
Ҳар юракнинг ўзга-ўзга тамғаси бор.

ҚАЙЛАРДА ЭДИНГИЗ

Локуллар осмоннинг хилоли,
Шовуллар анҳорнинг зилоли,
Сўргали хастайи бу холим,
Келмадингиз, қайда эдингиз?

Борлиқда минг фусун, лавҳалар,
Шеъримга оҳанг, сарлавҳалар,
Юрагимга йўқдир баҳралар,
Келмадингиз, қайда эдингиз?

Тўлин ой кулади холимдан,
Интизорлик ўтар жонимдан,
Хабар йўқ сўzlари болимдан,
Келмадингиз, қайда эдингиз?

Қалам ҳам қофозни тўлдирап,
Умид остоңада ўлтирап,
Софинч йўл қарайди, мўлтирап,
Келмадингиз, қайда эдингиз?

Ҳаёт — бу муқаддас китобдир,
Умр — бу саждадир, тавоғдир,
Инсонни йўқламоқ савобдир,
Келмадингиз, қайда эдингиз?
Азизам, қайларда эдингиз?

* * *

Ёмонлик, қабоҳат, ўч, кин, разолат,
Яшамайди тоғларда.
Улар одамларнинг орасида яшар.
Пинҳоний ардоғларда.
Фийбат, майда гапнинг балки бошқачароқ,
Жойи, йўли-йўриги
Одамларнинг юрагида яшар улар
Униб чиқар уруги.
Инсон ёмонликнинг урутига жой беради нечун,
Куйдирив ташламайди.

Ахир ким айтади, қабоҳатлар жим ётади,
Исёнлар бошламайди!
Ёмонлик – юк, охир бориб, соҳибини эзib
Янчади.
Ёмонликнинг турзисидан майиб бўлар
Қанча-қанчалар.
Инсон ёмонликнинг бир қулига айланади
Гоҳида.
Унинг буюк номи ётар қабоҳатнинг чиркин
Роҳида.

АЁЛ, БОРЛИГИНГГА МИНГ БОРА ШУКР

Аёл,
Сен келдинг, дунё ҳам орасталанди,
Пойингни сўроқлаб гул дасталанди,
Мехрингдан, сеҳрингдан куй басталанди,
Қоши ёйинг каби пайвасталанди,
Сенинг борлигингта минг бора шукр.

Аёл,
Сен келдинг...
Мұхаббат бош қўймиш остоналарга,
Кувончлар йўл бермиш гам нолаларга,
Жон келмиш снгликча ва жомаларга,
Беланчак, бешик зормиш оналарга,
Сенинг борлигингта минг бора шукр.

Аёл,
Сен келдинг, бир очун қўйди энтикиб,
Табиат нур, ифордин либос тикиб,
Боги бесҳишт гулин пойингга тўкиб,
Шундай куйлади-ки... бир қўшиқ тўкиб,
Сенинг борлигингта минг бора шукр.

Аёл,
Сен яралдинг,
Муганий қўлида тор куйлар бўлди,
Ҳар уйда бир байрам, тўй-тўйлар бўлди,
Тоғлар ҳам, тошлар ҳам ишқ сўйлар бўлди,
Одамзот эзгуликлар ўйлар бўлди,
Сенинг борлигингта минг бора шукр.

БАХОР ШАМОЛЛАРИ

Хаёлдай бостириб келди, тентираб шамол шовуллаб,
Яшиллик олами титрар... сукти бузилган боғда.
Анор гулловди-я тандирдаги чүгдай ял-ял ловуллаб,
Тўкилди бирма-бир ўқ теккандайин жантгоҳда.

Баҳор ўт ўйнади... чопардай ўтди қалдироги,
Қилич бирлан савай кетди паришон қолган самони.
Чақинми ёки нур ёйдир кўйда ёнган ялтироги,
Баҳор дулдул била келди қамчинлаб, минган саманин.

Куюнга айланиб тўзон сепиб турди ул элаклаб,
Зум ўтмай минди ғазабга, яшиллик узра олов пуркаб.
Бу санъат камдек туюлди, селларин қўйди челаклаб,
Булутлар чопдилар боғ устидан тог устига хуркак.

Шамол боғ айланур... тўкилди гўралар, синди кўп шоҳлар.
Увиллаб, бош олиб кетди... хаёлим айланди куюндек.
Баҳор, сен ўзинг йўргак тутиб, фунча очганинг чоғлар,
Бунчалар бедорсану, бунча жон ҳалак бўлдинг куюндинг.

Чидайман, майли қуй селлар, тало-тўп бўлсин тогу тошлар,
Ахир сен келурсан жоним, ҳаётдек оҳанграбони бошлаб.

* * *

Қўзларим жуфт юлдуз қаторида турарлар, тонг отар.
Боғдаги боди саболардан сўрарлар, тонг отар.
Суратинг ширин хаёлларга ўрарлар, тонг отар,
Мехридан йўллар ҳузурингга чопарлар, тонг отар.

Ишқими офтоб этардим, зулмингдин кун тун яна,
Айланур чархи фалак ичра хаёл гардун яна.
Биз ўтар йўлларга эвоҳ, чанг-тубор қўнди яна,
Кипригим бирла ювардим, етмас саҳарлар, тонг отар.

Ел шивирлар, кутганинг ишқи бирлан оворадир,
Бир қалам дафтар қўлида машқи бирлан оворадир.
Ул ўзи бегоналарнинг рашки бирлан оворадир,
Кўзларим тушди йўлингга, излар, топарлар, тонг отар.

ҚИШЛОҚ АЁЛИНИНГ САЛТАНАТИ

Құлида кетмони бир гулдек,
Ғұзалар ҳали ёш бир куртак.
Даласи бесқыштдек, гурур, нурдек,
Мәхнатда қишлоқнинг аёллари.

Күхна бир дунсдир даласи,
Үлани, ҳикмати, алласи.
Бамисли қаъбадир чайласи.
Далада қишлоқнинг аёллари.

Кузакда даласин молалар,
Баҳорда унар чигит — доналар.
Ҳадемай гүзаси шоналар,
Далада қишлоқнинг аёллари.

Хаёлин олади ягана
Чопар у ғұзалар тагини.
Мизгийди бошга қўйиб этагини,
Далада қишлоқнинг аёллари.

Ғұзалар чаппор уриб гуллайди,
Құсаклар тамшаниб чўллайди,
Шийпонида қолиб ухлайди,
Далада қишлоқнинг аёллари.

Теримни катта тўй, дейдилар,
Далалар бедор уй, дейдилар.
Мехрингдин мезон қўй, дейдилар,
Далада қишлоқнинг аёллари.

Тоғ-тоғ уюлар хирмонлар,
Илкида қолмайди дармонлар,
Келса-да ҳур, эркин замонлар,
Далада қишлоқнинг аёллари.

Оқшомлар эртагин тўқийди,
Булбуллар баётин ўқийди,
Ғұзалар кумушранг түн кийди,
Далада қишлоқнинг аёллари.

Илхоми, санъати, давлати,
Шу эрур даласи – жаннати,
Шундадир қувончи, гурбати,
Далада қишлоқнинг аёллари.

Ўзга илмларга вақт, сабоги йўқ,
Юмушлари бисёр, ҳеч адоги йўқ.
Ким айтар қўлларида қадоги йўқ,
Далада қишлоқнинг аёллари.

Дала-қирлар Мажнун, у-чи — Лайлоси,
Бу ишқнинг йўқ ибтидоси, интиҳоси,
Дала деган беҳиштларнинг саноси,
Меҳнатда қишлоқнинг аёллари.

Эй, қўёш, сен шошма, вақтли бош қўйма,
Аёл бардошига снгил тош қўйма,
Ул сабрга доя... кўзу қош қўйма,
Далада қишлоқнинг аёллари.

ОНАМНИ ЁД ЭТИБ...

Сиз йўқ... холим забун, дил бе фусун бўлди,
Тонги отмас кечаларим узун бўлди,
Хаёллар ҳам паришон, беизн бўлди,
Йўлим гушди кўз ёш тўла булоқларга.
Сиз йўқ... богимга юлдузлар тўкилмайдир,
Булбулларнинг баёзлари ўқулмайдир,
Кўхна дунё эртаклари тўқилмайдир,
Ой ёғдулар эламайдур ўтлоғларга.
Сиз йўқ... анҳор қўшиқ айтар нола билан,
Тўлқинлари соҳил ювар жола билан,
Сувлар тўлиб-тўлиб оқмас лола билан,
Сувлар бошин уриб ўтар қирғоқларга.
Сиз йўқ... аллаларим маҳзун, нолонлардан,
Забун саслар аrimас биз томонлардан,
Боқсан дарднинг юзи сариқ – сомонлардан,
Юраккинам тўлиб-тошди адоеларга.
Нурга чўмган соҳилларга элтолмадим,
Сизни кафтимда кўтариб ўтольмадим,
Кўнглим, нетай сенни рози этолмадим,
Согинчларим бўзлаб яшарман тоғларга.

Шеърларимга дардим айтиб-айтиб ўтай,
Армонларнинг утар йўлларин беркитай,
Ҳар тонг саждагоҳим тавоғ этмай нетай,
Йўлим бордир ҳазон ёғилган боғларга.
Сиз йўқ, олам омон, бизга ёмон бўлди,
Бардош қоялари нураб тамом бўлди,
Сизга илинарман, янги замон бўлди,
Софинч чодир ёяр, олар ардоғларга.

ЧАЙЛА

(Турсунойга)

Яна Сизни эсладим... Мудроқда дала-тузлар,
«Зангори кема»нгизни босмиш чангуборлар.
Қайларда қолди дейман, юлдуз қиз, юлдуз сўзлар,
Умри заҳматда ўтган аёл... Мақтov, киборлар.

Асов тўлқинлар қани, шону шуҳрат, санолар,
Ортингиздан эргашиб столмаган шамоллар.
Тало-тўпларни кўрмай кетдингиз, Сиз олов қалб,
Юрагимда изтироб, дафтар тўла саволлар.

Ёдимга тушар Сизга бағишлаган достоним,
Қалам қоғозим қолди эгатларнинг бошида,
Бир ёруғ юлдуз учди, тарқ айлади осмоним,
Сарбоним, йўқсиз букун карвонларнинг бошида.

Сизни ёдимга солар тўлқин урган дарёлар,
Кўкни қоплаган туман аста-аста тарқалиб.
Дечқон заҳматкашимнинг бошидаги гавғолар,
Шўришларини кўрмай кетдингиз-ку ҳарқалай.

Далаларингиз кездим, чайлангиз туарар ғариф,
Ариқларда кўз ёшдек саргардон сувлар оқар.
Ғўза барғи заъфарон, соҳибидек сарғариф,
Гулзорларингиз ҳижрон гулҳанларини ёқар.

Сизни ёдимга солар даланинг оппоқ сочи,
Йўқотиб қўйди ахир Сиздайин шунқорини.
Шамол айланар боғда хазонларини сочиб,
Тоглар эслатар менга Сиздайин олқорини.

Шудрингларга гарқ күрдим, Сиз ўтган дала-тузни,
Майсалар кўксида нам, йиғлашибди пинҳона.
Олов ранги боғларда гулхани ёнар кузнинг,
Лагча чўғга айланиб қуёш ботарди ёна.

Сизни ёдимга солар ҳосили мўл пахтазор.
Девлек «пўлат қуш»ингиз турар пайкал четида.
Эй, меснинг алпомишим, не-не барчинлар-ку бор,
Турсуной танҳо эди, турсунойлар юргида.

Даласини жон каби севиб, алқаган аёл,
Заминнинг зил юкини кўтаролган елкага.
Сиз оғир кўргулиқдан эдингиз афтода ҳол,
Алпомиш дея бизлар жар солардик ўлкага.

Далалардан бир сурон, елдек ўтди чамамда,
Шийпонда чироқ ёнди, ёғду сочди паришон.
Сиз ҳар йили зафарга имзо чеккан қаламда,
Заҳматингиз хаспўшлаб, айтавсрдик шараф-шон.

Кашиф этган юлдузига янги бир исм излаб,
Мунажжим дафтарига битиб қўяр номини.
Эй, меснинг шуҳрат аро ёпиб сўнган юлдузим,
Билмайн сипқордингиз заҳри-қотил жомини.

Далангизда юрибман, юрагимдек бетоқат,
Еллар тентир... япроқлар паришон тўлғонади.
Қайдан кела қолдия ажал деган қабоҳат,
Қариб чайлантиз ҳар тонг армон-ла уйғонади.

Турсуной керак эди, ой тўлишиб ҳар кечা,
Нури жаҳонлар ичра ширин сухбат кургани.
Сизни ёдимга солар, Сизни йўқотган кўча,
Қани шўҳ-шўҳ қулгулар, бағримни тўлдиргани.

Турсуной керак эди, йўқотсан мен ҳижолар,
Вазнларим ўлчовин, топардим далалардан.
Ҳар наврўз, баҳор келса, Сиз айлаб илтижолар,
Эшигим қоқардингиз тонг, субҳи паллаларда.

Дер эдингиз: – Чиқайлик қирларга, лолаларга,
Дошқозонни қайнатиб, ковлардингиз сумалак.
Шўхлик улашардингиз, азизам, болаларга,
Болалардай боғларда қувлардингиз капалак.

Турсуной керак эди, пахта карвонлар ўтиб,
Катта хирмонлараро қурилганда тарозу.
Заҳматлар ютиб-ютиб, қаро ул кунлар ўтиб,
Деҳқон эшигин қоқиб, кириб келганда орзу,
Турсуной керак эди...

Планлар тўлаверар, карвонлар ҳам йўлларда,
Зафарлар дафтарига чекилади имзолар.
Бекам, далангизда мен танҳо кезган тунларда,
Жаранглар Сиз айтган ул сўнгти розу-ризолар...

Дедингиз:

– Элингизни севинг сиз, ўзингизни унутманг!
Кўр-кўронга чопмангиз залолатнинг ортидан.
Кўлида огу тутган кимсадан эҳсон кутманг,
Юрт шаънин асрант дилнинг тубларида, қатида.

Шуҳрат учун бўлманг қул, алданманг мақтовларга,
Юргингизни топтаманг, насибангиз бўлмас бут.
Сайҳонингиз топтаманг, ишониб йўғ төғларга,
Тогингиз далангиздир, боғингиз гул, эҳсон, кут...

Бунчалар тез ўтдингиз, бунчалар айлаб шитоб?
Далаларнинг дафтари очилганча юлқинар.
Сиз сарлавҳа қўйган ул Меҳнат аталган китоб,
Манглай тер-ла ёзилар ҳамон, тердан дур унар.

Эй, она ср ҳакими, эй, она ср боласи,
Деҳқонга малҳам энди ҳар ўгит – айтганингиз.
Заминга тушар бўлса бир кун чигит донаси,
Бу – Сизнинг далаларга, ҳаётга қайтганингиз,
Қабрингиз нурга тўлсин!

ОДАМЗОТ

Донишманд эл қилар шундай ривоят,
Ривоятми, балки ҳикмат бағоят,
Улуғлардан улуг, нури ҳидоят,
Тангри исдан яратмиш одамзотни.

Оташданми, юлдузданми, дурми, зар,
Жавоҳирданми ё тупроқ, баҳри бар,
Тогданми ё тошдан, олмосми, гавҳар,
Тупроги, чироги не одамзотни?

Шунда яратганта сўз айтибди тоғ,
Йўқдир мендан пурвиқору улуғроқ,
Бағримдаги жавоҳирлар бесаног,
Тоғларингдан яратгил одамзотни.

Сўз сўрабди, осмон таъзим айлабди,
Ўзин юксакда деб, азим айлабди,
Сўзларини тоҳо назм айлабди,
Осмонингдан яратгил одамзотни.

Олтин сўзлабди оз, созу муҳтасар,
Дунёда жам бўлса бир ерга агар,
Барча жавоҳирдан сара сийму-зар —
Олтинингдан яратгил одамзотни.

Дебди: На бебаҳоман ва на ялтироқ,
Инсон пойин ўпган хоксор тупроқ,
Лескин элу юртга даркорман кўпроқ,
Тупрогингдан яратгил одамзотни.

Унинг сўзи Тангрига бўлиб маъқул,
Тупрогидан одам яратибди ул,
Дебди: Аржуманд бўл, кимсаларга даркор бўл,
Сўнг... тупроқда асрабди одамзотни.

* * *

Донишманд борарди қабристон бўйлаб,
Сўнгти йўлнинг савол-жавобин ўйлаб.
Аё, фарёд янграр... бир ҳикмат сўйлаб:

«Үнг ёнимда оташ... ёндиради, ох,
Чап ёнимда дўзах... куйдиради, ох,
Юрак-багрим қонга тўлдиради, ох.»

Донишманд қалбига мисли чўг урди,
На ўтириди ва на илгари юрди,
Бу нс ўзи? Аласт ҳасллар сурди.

Ваҳими бу, ёки қабрдан садо?
Қабр ичра зорланган шоҳми ё гадо,
Бу қандай синоат, эй қодир худо!

Фарёд эшитилар қабрдан, фарёд,
Бу кимдир? Бу қайси она зурёди?
Қилмишин жавоби шумикин, ҳайҳот!

Донишманд ўйлади, қилди бир қарор,
Ахир ҳар қабрнинг бир эгаси бор,
Бу кимгадир ўғил, ё кимгадир ёр.

Халойиқни тўплаб у деди:
— Азизлар, умрингиз зиёда бўлсин,
Ҳар ким ўз яқинин қабрига келсин,
Кўзингиз ҳаётнинг сабогин кўрсин.

Қулоқ тутинг менга аҳли фуқаро,
Мана бу қабрда лагча чўт аро,
Ёниб ётар марҳум... билсангиз зора.

Фарёд-ла қабрга отди ўзини,
Мунитипар бир она йиртиб кўксини,
Кўз ёшлари ювди мунгли юзини.

Деди:
— «Болам, мен кечирдим, кечирдим болам,
Гуноҳларинг дилдан ўчиредим, болам,
Сен ёнма, ёниб кул бўлсин-а онант».

Билди, англади-ки бунда тумонот,
Онани ранжитиб яшали зурёд,
Шундан гўр азоби, шундан бу фарёд.

Донишманд деди:
— Эй, аҳли мўминлар, тавбангиз айтинг.
Озорнинг йўлида бўлсангиз қайтинг,
Бу гуноҳи азим, узрингиз айтинг.

Тингланг-а, бу ўғил минг бора ўлиб,
Минг бора тұлғонар лағча құт бўлиб,
Юрак-бағри талҳи зардобга тўлиб.

Мушфиқ она ҳамон тиғлар бағрини
Кўз ёш тўқар қучиб, оташ қабрни,
Нола қилас кўриб бу хил жабрни:

— Тангрим,
Фарёдинг ариттил, шу зулмат чоҳдан,
Боламни кечиргил, кутқар гуноҳдан,
АЗобинг мендан ол, мендек гумроҳдан.

Қабрни ўпарди ул онайи зор . . .
Дилида, тилида биттагина зор:
Кечиргил боламни, эй Парвардигор.

Қабр ичра доди-фарёдлар тинди,
Фарзанд ўз хатосин англади, билди,
Онайи зорининг дуосин қилди:

— «Кечир она, кечир гумроҳ ўғлингни,
Озорларга кўмдим юмшоқ кўнглингни,
Кечир, мендан бўлди сенинг мунглигинг...»

Барча йиғилганинг кўнгли юмшади,
Бу ҳолат — бир ҳикматта ҳам ўхшади,
Фарёд тинди... гўр азоби ҳам юмшади.

АЗИЗИМ, НЕ КЕРАК ДАБДАБА

Азизим, не керак дабдаба,
Ҳайқириқлар бузгай оромим.
Сўз айттил энг сокин парлада,
Сокинликда умр мароми.

Улашлим сокин бу кўнглимни,
Эвазига топдим муҳаббат.
Сокинликда кечган умримнинг,
Мазмуни — эл берган бир ҳикмат.

Суроғ — бу манманлик суврати,
Ҳайқириқ — магрурнинг камони.

Бу кўҳна оламнинг қудрати —
Сокинликда... Сурон ёмони.

Сокинлик... бағрида улгайтиб,
Асрар ер-самони саломат.
Одамлар зимиштан сўз айтиб,
Солмаса дилларга адват.

Имкондир. ўқтамдир — сокинлик.
Айланар тинч, замин меҳвари.
Бағрида бол-шарбат тўкинлик,
Ифорга тўладир боғлари.

Куюннинг қилмиши тало-тўп,
Сочгани чанг, тўзон, губордир.
Ул бесфайз хоҳ голиб, хоҳ мағлуб,
Бир юзи қора, бири кибордир.

Хаёллар жимгина эрирлар,
Бош қўйиб сокинлик илкига.
Орзулар гул очар, гуркирас,
Нур тўлар ул беҳишт мулкига.

Тоғларда жимгина эрир қор...
Сув тўлар жилға-ю, дарёта.
Шаршара шовъқиндору беор,
Жарсолар сигмайин дунёга.

Туйғулар кураши юракда...
Бу жангни снгар жим бардошлар.
Ироданг бардошга қумакда,
Ошкор айлар оҳ, кўз-ёшлар.

Ипакка ўрайди юртини
Сокинлик ичра пилла куртлар.
Недандир безонта, ўртаниб,
Суронлар бошлайди манқуртлар.

Юлдузлар жим, сокин сўнади,
Дунёни тутмагай нидолар.
Нечундир дабдаба қуради,
Ўлса ҳам ердаги худолар.

ШЕЪРИМ

Софинаман сенни, меҳримни тўкиб,
Севинчимни сенга айтаман.
Кувончлардан ўсиб, ҳасратлардан чўкиб,
Сигинмоққа сенга қайтаман.

Ўчиролмасам дилимдаги чўғни,
Талпинганим ўзинг паноҳим.
Оромим ўғирлаб олган гулруҳни,
Сенга сўзламасам – гуноҳ бу.

Биргадирсан яқин, йироғларимда,
Сен ширин хаёлим, роҳимсан.
Түғёнларим ичра, чарчогларимда,
Бир умрлик дўст, ҳамроҳимсан.

Огушингга олиб ғамли бошимни,
Ютиб-ютиб озорларимни.
Гоҳо тўкканимда талҳи ёшимни,
Яширгувчим сен зорларимни.

Маҳзуналиклар ичра беркинганда қалб,
Дил изҳорим сенга – онамга.
Орзу тилакларим, севинчларим алқаб,
Сенга талпинаман – боламга.

Эй, менинг мунисим, содиқ ҳамроҳим,
Тинсам тиндинг, ёнсам тар ёниб.
Битар бўлса бир кун оламда роҳим,
Қисматинг не орқамда қолиб.

Бир афсус тирнайди дилимни,
Сенга раво кўрмасман ўлимни.

ТАННОЗЛАРГА

(Ўз она тилини билмайдиган ва
менсимайдиган баъзи таннозларга)

Тугилган жойини тишлаб тишида,
Кўзларига суриб хорижлик ўзбек.
Ватанига келиб ўлмоқни истар,
Шу орзу, шу армон ўнги, тушида.

Уммон ортидаги Илза гузал, равон,
Сўзларди шу ўзбек тилида.
Қай бир олифтагалар ўз тилин билмас,
Ўзининг ютида, элида.

Олис юрт олими Сузуки хоним,
Такаллуф айлади ушбу каломда.
Қанчалар латофат, лутғни кўрдим,
Шу биргина таъзим, шу бир саломда.

Баъзилар ўз тилин қашшоқ деб билар,
Ўзга тилин султон билар ҳойнаҳой.
Сўзлашурлар буткул ёт лаҳжаларда,
Чала-чулпа, ҳамда пойма-пой.

Либоси ўзганики, ўзганики тил,
Сочининг ранги ҳам ўзгача.
Туриши, турмуши ўзганикидир,
Ўзга тилда «она» деган сўзгача.

Шу тупроқ, шу юртда унинг киндик қони,
Шу элда улғайган бешиги.
Не учун ё ажаб, не сабаб,
Ўзгадир кулгуси, қўшиғи.

Олти минг тилни бил, ўн минг лаҳжа бил,
Бу сенга бойлиkdir мусаҳҳар.
Ўз тилин қадрини билмас дил,
Дил эмас, бир сопол... бу таҳқир.

Отангга-онангга отилган ўқ бу...
Бу лаънат, ҳиёнат бир умр.
Бу сенинг пардозли чехрангга,
Бир куни чапланувчи кўмир.

Она тилинг — қадринг, сийратинг,
Хаёлинг, фарёдинг, кулгуларингдир.
Тарихинг у ҳуснинг, тийратинг,
Теран томир, илдизинг унда.

Билдим-ки, сен ҳазрат Навоий тилин,
Бобурнинг дилини вайрон қилурсан.
Англамагач отанг-бобонг кимлигин,
Юртингнинг қадрини қайдин билурсан.

Ҳаммаси ҳам майли... энди ўзгартир,
Ўзинг осёқ ости қылган миллатинг.
«Ўзга» деб ёзилсин гувоҳноманга,
Ўзгача бўлгач суврат, сийратинг.

* * *

Ҳайқириқдан титрарди минбар . . .
У сўзларди баланд, оҳангдор.
Куйлайверди такрору минг бор,
Тўймас эди минбарга зор-зор.

Минбар келди охир батангта,
Баландпарвоз сўз жарангосидан.
Охир қадри бўлди бир танга,
Кутулдик минбар гадосидан.

ҚАРСАКЛАР

Одамлар ўтиради катта зални тўлдириб,
У сўзларди гоҳ йиғлаб, гоҳи зални кулдириб.
Сўзларни-да маржондай тизиб, гоҳи дўндириб,
Чалиниб ҳам турарди албат залда қарсаклар.

Ҳидоят деб ўйларди... қарсак деган қургурни,
Юрагига ўрнашган чирмовиқдек ғурурни.
Жиловламоққа қодир Тангри берган шуурни,
Менсимади... Манманлик деган шундай нарса-ки...

Юрарман деб ўйлади кўмилиб ҳур қарсакка...
Қай бир куни шу залда ўтириб қараса-ки,
Мисоли юзларига тушган каби тарсаки.
Ўзгага ҳам янгаради ўша таниш қарсаклар.

СУКУНАТ ДУНЁСИ

Бориб туриңг сукунатнинг дунёсига,
Қулоқ тутиңг жимлик юртин ғавғосига,
Фарқ бўлганлар гуноҳ, савоб дарёсига,
Ноҳақ қилмишлар тийрати шу ердадир.

Бу йўқлик не борликлардан сўз айтади,
Бунда гумроҳлар ҳам гуноҳдан қайтади,

Ирмоқ бўлиб борган дарсдек қайтади,
Сўроқларнинг салтанати шу срдадир.

Ўз халқига хиёнатнинг жавоблари,
Мискинларга марҳаматнинг савоблари,
Унутмангиз тиз чўкмакни, тавофларни.
Тоат, ибодат суннати шу ердадир.

Эшитгайсиз муштумзўрнинг фарсдини,
Бир бор ёд этмайин Оллоҳнинг отини,
Роҳат айлаб, бериб йўқсиллар додини,
Одамларнинг шайтанати шу срдадир.

Ўзгалардан қизғониб ҳатто тиконни,
Осмонларга етказиб қасру арконни,
Охир етар жойи – тиконлар макони,
Кимсанинг ерга дастхати шу ердадир.

Қайда қолди, сўранг, қасру кошонаси,
Шу экан-ку пул ҳоқонин пешонаси,
Тупроқ тўшагидир, тошлар ҳамхонаси,
Қилмишларининг сарҳати шу ердадир.

Даҳри дунё асрайверар хўрни, зўрни,
Сен заррасан, деб камситмас асло мўрни,
Гадо бўлса ҳам-ки иймону фурурни,
Асраганинг тариқати шу ердадир.

Кўринг, бунда гуноҳсизлар қораланмас,
Бойу камбағал деб сира сараланмас,
Бесор юзлар ниқоб тортиб ороланмас,
Азобларнинг қиёмати шу ердадир.

Эй, султони ғам, баҳт-икболнинг сарвари,
Андуҳ, шодлик бу дунёning кори бари,
Бир дамгина ҳаммасидан бўлиб нари,
Қарант, меҳрининг шафқати шу ердадир.

Эй, кўқдаги юлдузларга маҳлиёлар,
Гарчи сизлар жаҳонгиrlар, шахриёрлар,
Хоки пойингизда ётар азиз боболар,
Босиб олманг, тинч хилқати шу ердадир.

Топдим деб иззату журмат,
 Камситмангиз фақирни.
 Бу на ўтит, на кудурат,
 Песона, тақдирини,
 Ҳар кимса ёзгайдир ўзи
 Иншоси-ю нуфузини.
 Бұлсангизда юлдуз, осмон,
 Деманг, ўзга хору хас.
 Эрсангизда элга достон,
 Ёдга олинг бир нафас
 Қуийшни билған бошга,
 Уришни билар тошга.
 Достонлиқдан не наф ахир,
 Ҳамдардликдан йироқда.
 Нур олмаса бирор фақир,
 Милтиллаган чироқдан.
 Одамлик — бу синган күза,
 Күр бұлса хотамнинг күзи.
 Тогми, суянемаса кимса
 Сув бермаса дарәми.
 Бирор уйда дағн бұлса,
 Хабар топмас дунёни —
 Дунә демагайлар ҳаргиз —
 У бир жарлик тубсиз, тубсиз . . .
 Дарә бұлса, ирмоқтарга,
 Бириң-сириң сепмас қум.
 Десмас: «Бундай гумрохларга
 Оқмоқни қўйибди ким?!»
 Дарә тўлқинларин саси
 Ирмоқларнинг ҳам нафаси.
 Дарә суви тўлармиди,
 Сув элтмаса ирмоқлар.
 Тоғ пурвиқор бўлармиди,
 Ер турмаса ортмоқлаб.
 Қорлар эрир жим-жим . . .
 Шаршара солар шовқин.
 Сиз дарз соглан қўнгил йиғлар,
 У булар бир кун учқун.

Қайтар дунё, қайтар йўллар,
Нафрат бир кун бўлар кўчкин.
Энг ёмони, энг сабили —
Битмас яраси тилнинг.
Кўчкиннинг кўчмоғи бордир,
Босмоғи бор бир куни.
Ниҳолнинг ўсмоғи бордир,
Табиатнинг кун, туни.
Барида азиз одамлик
Улуғлик — бу хотамликдир.

ЭЪЗОЗЛАРИ ҚОЛДИ...

(Абадийлик дунёсига кетган устозлар Ю.Ражабий, С.Калонов,
К.Жабборов, F.Тошматовларнинг порлоқ хотираасиги)

Кетдилар, ул азизларнинг эл аро эъзозлари қолди,
Юраклар тўрида мангу мўътабар овозлари қолди.

Бу фано денгизи — дунё... тўлқин уриб, гирдоб аро ётгай,
Оқмайин, гарқ бўлмайин анда... оҳанги сўзон созлари қолди.

Бу ёруғ оламда ўткинчи карвонмизу, савдога келганимиз,
Келдилар кўп... кетдилар кўп... умри маҳзанларнинг озлари қолди.

Залолат келди, бўғилдик, адашдик чўли нодонларда,
Коялар дарз кетди... соз мунғайди... лек таисифи ҳамроздлари қолди.

Ческинди қаҳратонлар, тийралик оқди жолалар бирла,
Бу беҳишт юртда шукrona... гуллар, алвон ёzlари қолди.

Одами аъзам улутдир... ёди элга, мудом ҳамхона,
Юнуслар, Саидлар, Фани, Комиллардек мумтозлари қолди.

Куй, баҳор янглиғ келарлар турналарнинг карвони бирла,
Осмон тоқига битган иншолари — баёзлари қолди.

Ўтдилар, ўтарлар такрор... ўтмайин қолган кими,
Айтсалар басдир менга, қалами-қоғозлари қолди.

ТАСКИН

(*Түссаны дүсттә*)

Сизга шодлик ярашарди, ҳам самовий парвозлар,
Сизнинг учун яралгандек эди хур эхтирослар.
Гумонларнинг жантларида ғолиб қолгунча ростлар,
Талхи ниҳон кўз ёшинизни булоқлар яширсин.

Бу дунёning ярашмаган ажаб мунглари бордир,
Зим-зиёлик ичра мубҳам зулмат туңлари бордир,
Яхшиларга атаб қўйган зеру забар кунлари бордир,
Субҳи чоёлар зорларингизни ўтлоқлар яширсин.

Дунё – ҳикмат сандигидир, туман сирлар ухлайдир.
Еру самоларда мудом қуёш кулиб турмайдир.
Илтижолар айланг: «Эй дил, ғамдан шодлик улгайтири»,
Дилнинг кўчкинларин туғёну титроқлар яширсин.

Само узра яшайди ой, оғитоб... яна чақинлар,
Ҳаёт – фано денгизидир, дейишар-ку оқиллар.
Гоҳо оқизали, гоҳо гарқ айлайди тўлқинлар,
Гарқ этмасин Сизни, савоблару гуноҳлар яширсин.

Қай кун дилдан дилшодликлар йироқ, ғурбат яқиндир,
Хун кўнгилнинг осмонида ҳар тун булат, чақиндир.
Қаламнинг зоридан билгум, бу не баён, талқиндир,
Қалам ростин дегай, қаламни қўрқоқлар яширсин.

Кўнгил – ўзани кенг дарё, тўлқин ичра яшар ул,
Гоҳи сокин, гоҳи уммон, кўҳна, гоҳ бир яшар ул,
Гоҳи карвон, гоҳи армон, соҳиллардан тошар ул,
Дарёгинам, туғёningизни қирғоқлар яширсин.

Бу не қисмат десманг, бу – ҳаётнинг турфа ўйини,
Бу – боғларга оралаган дайди еллар қуюни,
Фусса тақдир яратдим, деб юрган бўлса суюниб,
Донишманд дунёи дуннинг сабоқлари яширсин.

Маҳзунгина боғларингиз кўз ёш сугорган пайтлар,
Кўз ёшларга беркинади юрак, манзума байтлар,
Шундоғ... ҳаётни безамас ҳар кун байрам, ҳайитлар,
Бардош тилай, зулмат тунингиз чироқлар яширсин.

ДУНЁ, СЕНИНГ ОРИНГДИРМАН...

Фақирмиз, лек әмасмиз ҳеч кимдан кам,
Бизда йүкдир ҳеч нарсадан андух, ғам.
Жанда кийиб, яшаймиз то гүристон,
Хатто ўлсак, тутилмас бизга мотам.

(Баҳоуддин Нақшбанد)

Дунё, йўқман десам хато... борингдирман,
Гоҳида кенг осмон, гоҳи зорингдирман.
Гоҳ бемажол заррангдирман, қатрайи жон,
Оташингда ёнган – номус-орингдирман.

Ҳазин-ҳазин ўланларни ўзинг бердинг,
Юрагимга бардош или тўзим бердинг.
Оташ ичра бир лов этиб учма, дебми,
Тугён йўлин бунчалар ҳам узун бердинг.

Дунё, ором эшигини ёлашерма,
Туман-туман баҳоналар топаверма.
Бир тутамлик ёлгон умр бериб қўйиб,
Гулханингга солиб, ҳадсб ёқаверма.

Сенга нима, гулханингда ёниб битсан,
Бир кағт кулдек йўлагингда қолиб кетсан.
Фақат десма: девона ул, ўтичим бор,
Дардларингни шъсрларимга солиб ўтсан.

Ўлсан, менга керак эмас, мотамларинг,
Тириклиқда йўқламади хотамларинг.
Андуҳларинг инсоф ила тақсим айла,
Бир юракка ортаверма ситамларинг.

Фақирликда рўйхатингнинг бошидаман,
Ҳақирликда ҳузурингда, қошингдаман.
Дунёи зор, ўзинг шундог ҳукм айладинг,
Бахтим шудир, тупроғингда, тошингдаман.

Изтироблардан қисмадинг, кам этмадинг,
Ғамнинг денгизига ташлаб, ғам чекмадинг,

Еру кўкка қадаб сўнгсиз машъалалар,
Камтар қулбамизга ҳатто шам элтмадинг.

Дунё, йўқман десам хато, борингдирман,
Бешигинг тебратган онанг-зорингдирман.
Аллаларим камолингдир... қатрайи жон,
Сен-чун нисор, сен-чун номус-орингдирман.

УМР – БОЗОР

Умр – карвон, кетди... қолдим чангларида,
Юрак деган тало-түпнинг жангларида.
Тунлар санолмадим мил-мил юлдузларин,
Кунлар ўтди юмушларнинг чангалида.

Умр – дарё, оқиб ўтди шитоб айлаб,
Тўлқинларга кўмиб, такрор хитоб айлаб.
Тўлқин асов... беҳудага беллашмагин,
Ҳаёт – қарзлир деди, юр сарҳисоб айлаб.

Умр – елдир, фурсат кутмай ўтди учиб,
Юрагимда кўчкинлари кўчиб-кўчиб.
Кўзим очиб-юмдим халос, ўзга ҳеч йўқ,
Наздимда шам куйди бир бор ёниб-учиб.

Умр – оташ, ёқар-ёқар... қолар кули,
Ихтиёр ис, сен қисматинг мўмин кули.
Умр – бозор... ўзни баланд қўйма нодон,
Бошинг узра турад қисматингнинг гули.

Ҳаёт ўзи тутамгина неъмат дерлар,
Кимларга у беҳишт, кимга қулфат дерлар.
Ҳаками ким, борми тоши-тарозуси?
Кимга офтоб, кимларгадир – зулмат дерлар.

Умр – карвон... кетди, қолдим чангларида,
Юрак деган тало-тўпнинг жангларида.
Тунлар санолмадим мил-мил юлдузларин,
Кунлар ўтди юмушларнинг чангалида.

ЭЙ ДИЛ...

Ноланг унут, жоланг қуриш, таъзим айлагин,
Замон янги, дунёларга разм айлагин,
Баёзинг ёз, дилшодлигинг назм айлагин,
Юрагингга кириб келар ёруғ дунёлар.

Камтаргина кулбанг аро шам мильтирайди,
Остонангда умид учқуни йилтирайди.
Янги замон кемтикларингни тўлдирай дер,
Тилагингга кириб келар янги дунёлар.

Ҳаёт – тубсиз денгиз... ундан ўтиб бўлмайди,
Унинг довонлари учқур, йитиб бўлмайди,
Тутамгина умр ўтар, тутиб бўлмайди,
Умр – шамол, слар мисли тушлар, рўёлар.

Ҳаёт – дарё... чўкиб кетма, бўйлагил хушёр,
Тўлқинлидир, эпкинлидир, қайрилмас бир бор.
Фақат гулмас, ссллар ила ўтади баҳор,
Умр мисли ўзан бузиб оқар дарёлар.

Бир соҳили офтоб унинг... ўйнар ёғдулар,
Бир соҳили зулмат, туғар гамлар, жодулар,
Ўртасида тугён, тўлқин, гуврар довуллар,
Алар ичра жанг қилади чинлар, рўёлар.

Унинг беҳишт боғларида ўзингдан кетма,
Унинг саҳро чўлларида забунлик этма,
Ёнмоқ қисмат, тобланмоқлик бордир, унумта,
Ҳаёт маҳкам эмас, кўзингта тўтиёлар.

Изгириналар слар бўлса, ўчма шам янглиғ,
Изтироблар келса, изҳор айлама танглиғ,
Ҳаёт сокинликмас, у бир эпкинлиғ, жанглиғ,
У – жаннатмас, сайраб ётмас булбули гўёлар.

Қаҳратонлар келар, эй дил, қолмагил тўниб,
Мусибат бир гулхан... сочилмагил кул бўлиб,
Хазонрезли боғларидан ўтгил гул бўлиб,
Юрагингга кириб келар янги дунёлар.

БУ ЎША, НАВРҮЗ

Бинафшалар кулар, ўшадир,
Ирмоқ бандиликдан бўшади.
Сойга туғен қуша-қушадир,
Бу ўша, наврӯз.

Қизгальдоқлар лабида лаъли,
Кирда лолаларнинг машъали,
Ҳатто тикон гули нашъали,
Бу ўша, наврӯз.

Мусича чўп тишлиб, жовдирап,
Дарё соҳил бузар, довдирап,
Вужудимни бир ўт ёндирап,
Бу ўша – наврӯз.

Булутларнинг сочлари паҳмоқ,
Осмон кўксин тиғлайди чақмоқ.
Лолазорга элтар ҳар сўқмоқ,
Бу ўша, наврӯз.

Кслинчакнинг нигоҳи гашлик,
«Бош қоронгу»... дилда тарҳашлик,
Қароғлари севинчдан ёшлиқ,
Бу ўша, наврӯз.

Бувижонлар ёяр супрасин,
Нозанинлар тортар сурмасин,
Ҳолинг нс деб, асло сўрма сен,
Бу ўша, наврӯз.

Мил-мил юлдуз ёғар боғларга,
Сирға тақар гул, бутоқларга,
Ой кўшкини қуарар тогларга,
Бу ўша, наврӯз.

Кўйлаклари рангин, охорли,
Давралари қўшиқ, алёрли,
Чаманлари хушрӯй, ифорли,
Бу ўша, наврӯз.

БУВИЖОНИМ – КҮХНА ЖАҲОНИМ

(Күшиқ учун)

Бувижоним, юлдуз тўла осмонимсиз, осмонимсиз,
Ёзаверсам битмас ўтли достонимсиз, достонимсиз.
Донишмандим, ҳикмат тўла маҳзанимсиз, маҳзанимсиз,
Нечун сизга қўшиқ, ашъор азал йўқдир.

Бувижоним, бағрингиз нур, офтобимсиз, офтобимсиз,
Дунё ичра олиб кирган китобимсиз, китобимсиз.
Оромсиз тунлар менинг посбонимсиз, посбонимсиз,
Нечун сизга ҳамду сано, газал йўқдир.

Ўлан айтиб тонгларни ҳам уйғотасиз, уйғотасиз,
Алла айтиб замонларни улғайтасиз, улғайтасиз,
Доим элу юрга доно сўз айтасиз, сўз айтасиз,
Бувижоним, сиздан сира афзал йўқдир.

Пойингизга бошим қўйиб, ўпай ўзим, ўпай ўзим,
Шоир, бастакорга тилай инсоф-тўзим, инсоф-тўзим,
Бувижоним, мунисгинам, кўрап кўзим, кўрап кўзим,
Бу оламда сиздек қанду-асал йўқдир.

Қумри, булбул, кушлар тинар... уйкудалар, уйкудалар,
Оlam, одам бари ширин туйғудалар, туйғудалар,
Бувижоним бедор... гоҳ шод, гоҳи қайғудалар, қайғудалар,
Дунё ғамин ўйлар... унга назар йўқдир.
Бувижоним, қомусим, кўхна жаҳоним, кўхна жаҳоним,
Бизлар гуллармиз, чаманмиз... ул боғбоним, ул боғбоним,
Бизлар карвондирмиз, бувимлар сарбоним, ул сарбоним,
Бувим борки, бизга ҳеч бир озор йўқдир, озор йўқдир,
Ағсус, ағсус... унга қўшиқ, газал йўқдир.

СОҲИР ДУНЁ, ЯШИРГАНИНГ ОШКОР ЎЛДИ...

*Менда на мафраш бор ва на мафрашкаш,
Ва на вуломоий турки таркашкаш.
Ҳар оқшом қаҳданда бечора итдек,
Ухларман, думимга қўйиб гариб бош.*

(Баҳоуддин Нақшбанд)

Соҳир дунё, яширганинг ошкор ўлди,
Тиллони мис демоқ энди душвор ўлди,
Борса келмас саҳроларга элтиб ташлаб,
Хор этганинг элга буқун хуш бор ўлди.

Даҳмаларга тўкилган ул куз ёшларни,
Мустарликда эгилган азиз бошларни,
Ҳар ким ҳар не деса юрак ютиб турган,
Армон ичра жовдираган бардошларни.

Тангрим назар айлар, пири мадад айлар,
Бизга ажиг бир ҳидоят адад айлар.
Мутсьликтан эмас, мағрур эгармиз бош,
Сажда эт, деб мсҳробимиз абад айлар.

Ваганига сигмаганлар қайтар бўлди,
Иймонга дил берадиган пайтлар бўлди.
Сағанага бошин қўйиб, дил сўзини,
Юрагини ютмайтина айтар бўлди.

Иймонимиз осган дорлар чил-чил бўлди,
Осанларнинг дарди бугун зил-зил бўлди.
Эътиқодни хўрлаганлар бўлсин басир,
Ундайларга эл нафрати мил-мил бўлди.

Бу оламда ерни ўпган хор бўлганми,
Нон упоқни тергандар-чи, зор бўлганми,
Минг бор мискин айлаб яна... мискинларни,
Кўкрак керган кимсаларда ор бўлганми.

Қизил дорга осилганлар ёдимиизда,
Гўрсиз, ҷоҳта қазилганлар зоримизда,
Биз хўрлаган руҳлар бўзлаб-бўзлаб қолар,
Кўзига чўф босилганлар оримизда.

Изтиробни яширолмай қийналамиз,
Уятлардан ёниб, қақшаб, тирналамиз.
Биз осмадик алларимиз осганларни,
Нечун ҳануз сирланамиз, турланамиз?!

Сажда айланг, узр сўранг гуноҳларга,
Тавқи лаънат бўлсин ўшал гумроҳларга.
Еру осмон, тумонат, эл шоҳид ахир,
Тўкилган ёш, чекилган гам, ул оҳларга.

Азиз бобо, уйғонди юрт, уйғонди эл,
Ўз қадрини излаб топди пажмурда дил.
Дуо айланг, стиб борсин манзилларга,
Тўзитмасин тўғон, оқизмасин-да сел.

Күшон юртим күрмөң истар орзудалар,
Зиәратта ташнадирлар, озурдалар.
Қиблагоҳим, тавоғ айлаб қабрингизни,
Авлодингиз күтлуг йўл, күтлуг сўздалар.

Ёдингизни олиб, булбули гўс келар,
Тўлқин-тўлқин бўлиб қонгбар дарё келар.
Келмаганинг армон кемирсине дилин,
Бухорони излаб букун дунё келар.

Темур келар, миниб елдик тулпорини,
Бобур келар, ютиб согинч ва зорини,
Мирзо келар, юлдуз тўкилган боғлардан,
Бахши келар, созлаб қўбиз, дуторини.

Келганларга шоҳи белбоғлар боғлайин,
Ғазал айтай, димоғларини чоғлайин,
Баҳоуддин ўзин бечора дер, нечун,
Мумтозлардан мумтоз айлаб, ардоғлайин.

ОСТОНА

Кагта оламга чиқдим қутлуг останам босиб,
Кенгликларнинг бағрига бораяпман жимгина.
Оқшом яна останам босмоқ этсину насиб,
Ҳар гал дилда шу хаёл... сас берар секингина.

Қадамим пардай чоғлар... останам пайқамадим,
Бир бора ҳам нигоҳим ташламадим эҳтимол.
Нечун сажда қилмадим, мен уни алқамадим,
Мени қийнайди энди, мени ўртар шу савол.

Қамчисини ўйнатиб босиб келар хаёллар,
Хаёллар мисли қуюн... мен аластман, мен лолман.
Кўз ўнгимда йилларми, слピンдилар шамоллар,
Бу лоқайдлик қошида бир сўз топишга зорман.

Ҳа, Останамни бир умр беспарво босиб ўтдим,
Бепарво эмас, йўқ-йўқ! Ўтдим сллардек шитоб.
Нетонг, останам мени бирдан саволга тутди,
«Бир зумгина тўхтагил!» – дея айлади хитоб.

Остонада қоқылдым ва сирғалди рўмолим,
Менга термулиб турар оғир карюон бугуним.
Эрталарим турарди тортиб маҳзун хаёлим,
Орқада кўл силтарди шод, ношод ўтган умрим.

Бунчалар ҳам шитобмиз, навқирон чоғларимиз,
Гоҳо тоғларда кўзлар, гоҳо ойларда нигоҳ.
Асли дунё йўл... бизлар унинг сайёҳларимиз,
Йўллар бошида ҳам ул, сўнггида ҳам саждагоҳ.

Остона – муқалласдир, удир дунёниг боши,
Ҳар тонг уни бир жаҳон умид билан ҳатлаймиз.
Илк қадаминг катта бир олам билан туташур,
Шу йўлдан биз бир умр тиним билмай қатнаймиз.

Лоқайд ўтма, азизим, остона умринг боши,
Ичкирига кирмагил чангуборинг билан.
Остона – болалигинг, удир мўътабар ёшинг,
Севгингдир у, таъзим қил, қутла сен боринг билан.

* * *

Ҳали қоямассиз, менимча,
Ўзгани соя деб камситманг.
Ҳали дарёмассиз, менимча,
Ўзгани жилға деб ўкситманг.

Дарё бўлганда ҳам унумтманг зинҳор,
Оқиши, куйлашни жилға ўргатди.
Ахир томчи-томчи йигилиб бир бор,
Сиздек бир ўзанни тўлатди.

Қоя бўлганда ҳам, пойингиз замин,
Сизни ушлаб турар шу тупроқ пастда.
Юлдузларни тошдай иргитманг тағин,
Дарз кетса бу замин сизни ким асрар.

Бу фалак айланар кеча на кундуз,
Бир ёғи нурлидир, бир тарафи тун.
Олтин срда бўлар, осмонда юлдуз,
Бири ҳазинада, бири ҳавода устун.

ПАРВОЗ

Она бургут боласин парвозга ўргатарди,
Қийқириб у төгларни уйкудан уйғотарди...
Танлади у тогларнинг икки шер қоясини,
Чўққига олиб чиқди нораста боласини.
Пастликда жар, ўнгирлар, ҳайқириб оқарди сой,
Она бургут машқ бошлар... Қоядан баланд қоя.

Ажабо!

Куламасми боласи, толмасми жажжи қанот?
Она бургут қўрқувдан устун қуяр саботни.
Шунинг учун парвозни чўққилардан бошлайди,
Гўдаги ҳам чўққидан илк қадамин ташлайди.
Машқи оғир, хатарли чўққиларда учишнинг,
Кудрати ҳам шундандир, эҳтимол бургут қушнинг.

ҲАЁ

Ҳаё —
Мен бу сўзга
Тош қўяман юрагимнинг
Оғриқларидан.
Асрагайман уни
Қаро кўзим
Қароғларида...
Ҳаё —
Очилмаган гул ул
Назокатнинг
Кўрикларида.
Ҳаё —
Юрагимнинг энг тўрида,
Энг мусаффю вароғларила.
Ҳар нарсадан баланд,
Ҳар нарсадан қиммат,
У кўзларнинг нури, гавҳари.
Қай аёлни тарк айласа ифрат,
Соврилибди, демак, баҳори.

ИРМОҚ ҚҰШИГІ

Бу оламда дарәлар бор, денгизлар бор, күллар бор,
Бири уммон, бири түгён, бири ботқоқ – хатарлик.
Инсон бораяпди... инсон, дилингта қай йұллар бор,
Шундай мушкул-ки бу йұллар – ботқоқ, чүл, тубсиз жарлик.

Ирмоқдайин чиқди йұлга дарёларни излай деб,
Үктамларни учратганда таъзим этай, сизлай деб,
Майнингина торин чертиб, юрагини сұзлай деб,
Инсон бораяпди... инсон, дилингта қай йұллар бор.

Донишларни учратди ул, сахий, мұмтоз әдилар,
Мұмтозликка ярашиқ сүз, ҳикматларни дедилар.
Демадилар лекин: «Бизлар алломалар, Бедиллар»,
Дүстинг бораяпди... дүстим, уйнингта қай йұллар бор.

Фозилларни учратди ул, әдилар закий, ҳотам,
Андишада туриб қолди, бир сүз демай дағыжатан.
Сүз тинглади мұхтарамлық, бегуборлик, севидан,
Бир дил бораяпди... дилинг топмоққа қай йұллар бор.

Бахшиларни учратди ул, давра қўшиқ, алёрли,
Қўшиқ билан отар тонглар, фараҳли, гул, баҳорли,
Бунда эди армонли-ю, бунда эди ҳам зорли,
Қўшиқ бораяпди... дүстим, сенда қандай күйлар бор.

Фиску фужур тұседи йўлин, камситғали ирмоқни,
Оғытоб десбон қўлларида туттан бир жинчироқни.
Сұнгра деди: Тополмассан бирор ҳамдард ўртоқни,
Умидсизлик борар... дүстим, умидга қай йұллар бор.

Юрагини тилмоқ бўлди ҳасадгўйлик ҳанжари,
Деди: Туар үйларингда жаҳаннамларнинг жари,
Ирмоққа қай қудрат керак, юрак керак қанчалик,
Фолиб борар... ҳамдардликка дүстим қандай йұллар бор.

ПАНОҲ ТОПОЛМАСИН...

Ҳасад кийди тун каби қоп-қора либосини,
Ғурбатлар китобининг очди алифбосини,
Қайда ул, топайин дер, инсон қадди ёсими,
Тентираб юрар... э воҳ, бир паноҳ тополмасин.

Иzlар, кириб борар ул, қоронғу кечаларга,
Басару сомон бүзлар саргардан күчаларга,
Ҳасад нигоҳин қадар гулларга, ғунчаларга,
Илоҳо, инсон дилита ул рох тополмасин.

Армонлар лиммо-лимдир, ғурбат чош жомларида,
Оҳ-ғифон янграп бефайиз, беранг оқшомларида,
Умрлар ҳазон бўлар ҳасаднинг гамларида,
Илоҳо, фам тутгали ул бир зоф тополмасин.

Ҳасад ўралиб олмиш энди талхи ёшларга,
Чанг солгуси келади чидамлар, бардошларга,
Ургали инсон бошин харсангларга, тошларга.
Излайдир, илоҳо, ул бир даргоҳ тополмасин.

Тирқишлиарни беркитинг, не этса этгуси ул,
Ҳамдардлик топмаса бас, ҳасадга бўлмангиз кул,
Етти олам шодлигин ғурбатга сотгуси ул,
Илоҳо, унгани бир чорбоғ тополмасин.

Юрак недер, нуратар истаса ул тоғларни,
Ҳазон айладир беҳинетларни-ю гул боғларни,
Чаманларга тўлдирап бойўғли-ю зоғларни,
Илоҳо, нуратгани ул бир тоғ тополмасин.

Ҳасад юрармиш ойни, қуёшни қулатгани,
Борлиқни қийратгани, замонни титратгани,
Неки бор, тиз чўқтириб, зорлатиб, нуратгани,
Илоҳо, қулатгани ул бир чоҳ тополмасин.

Тангрига ёлборармиш, ҳасадга изн бергил,
Инсонни зор-зор айлай, сен эса тўзим бергил,
Ўзинг мени яратдинг, йўлимни узун бергил...
Илоҳо, бош ургали саждагоҳ тополмасин.

* * *

Ҳаётнинг осуда дамлари борми?

Ақдим адашади.

Түғен банди айлар, ором эса зор,
Сўнг, алдашади.

Оқшом кўкда юлдуз дарё бўлиб топшар,
Ҳаёлга гарқман...

Ҳаёл мени магриб, машриққа бошлар,
Кўнглим барқ урар.

Тикиламан, юлдузнинг нур ипаклари
Кетар узилиб.
Кенг осмон айланар тор йулакларга,
Кетар чўзилиб.
Чорбог этагида дарс шовуллар,
Хаёл эргашали.
Кўкда хулкар гулхан бўлиб ловуллар.
Ой нур элар баркаща.
Ўз-ўзимга аста шивирлайман, танҳо,
Туғилмоқда шеър.
Жўр бўлади тутёнларим, тўлқинли анҳор,
Қўшигимни яширган сеҳр.
Дарё сув шопирап югуртирап бетин
Тўлқинларини,
Гирёнаман тополмай, қофозларни йиртиб
Талқинларини.
Тоғ бағридан ирмоқчалар тушар,
Найини чалиб,
Булоқ ёшли кўзларимга ўхшар.
Бетин-у зариф.
Тутёнлар шаршаралар узра бош қўйиб,
Тўлғониб ётар,
Юрагимда бир дард харсангтош қўйиб,
Ногирон этар.
Ором уйи қайдা? Сўроқлаб, излаб,
Хориб, толаман,
Қалам узра бошим қўйганча
Ухлаб қоламан.

КЎНГЛИМ

Кўнглим,
Гоҳ нурафишон, гоҳ қоронгу гўшадир,
Гоҳи афсун қарисила бир гўдак.
Тутса қаҳри бу қалам тиф ургудек,
Мисраларга чўғ бўлиб тутошадир.

Кўнглим,
Изгираблар келди, мотам тутмадинг,
Сен уқубат қарисида қоядай.
Бардошингдан ғам ческинди соядай,
Нега ҳижрон кулбасида титрадинг?

Кўнглим,
Фунча очган бир ниҳолнинг баңдаси,
Бир ширин сўз құдратидан турфадир.
Бир табассум унга мумтоз тұхфадир,
Бир совуқ сўз муз қилур шўх ҳандасин.

Кўнглим,
Гоҳи туғён, гоҳ қувончдан ёнадур,
Дўсту ҳамроҳ кимсанинг ул пойида.
Бир саховат бирла сархуш гоҳида
Бир қабоҳат ханжаридин порадир.

ОШИҚОНА

Анҳорларнинг соҳилига излаб келдим
Ул кунларни,
Мажнун толга қўл чўздиму ёздим дилнинг
Тугунларини.
Оқар сувдай оқиб кетди тўлқин уриб
Хаёлларим,
Тўлқинлардай урилди ул соҳилларга
Саволларим.
Ёшлик ўтар, қўшиқ ўтар тўлқин ичра
Вола билан,
Мен соҳилда туриб қолдим кўзларда нам,
Жола билан.
Түгёнларим олиб ўтар тўлқинли сув
Кетар оқиб,
Гоҳи гирён, гоҳи ҳижрон соҳилига
Элтар ёқиб.
Гоҳ эпкинли, гоҳи сокин дарёлардан
Оқар сувлар,
Қайтмагайлар изларига, қайтмас азиз
Бу умрлар.
Баҳор ўтар, кузак ўтар, сувлар ҳамон
Тарар сочин,
Ўқийдирман такрор-такрор ҳаёт
Китобини очиб.
Баҳор келар, қўшиқ келар, ул келар деб
Айттолмасман.

Соҳилдаман, олдда дарё, орқага-чи,
Қайтолмасман.
Мен соҳилда сўзлашурман, бўзлашурман
Дарё билан.
Борлигимни тугенларга гарқ айлаган
Дунё билан.

* * *

Хозир эркин-эмин замон, сўз соҳиби ҳам
Эркин...
Арзи-холим айтайин-чи, яратган нима
Деркин?!
— Эй худойим, нечун яратдинг кибрни,
Киборни?
Шу заминга бердинг яна музтарни,
Меҳрга зорни.
Манманликнинг таноблари узун, узун...
Тортмадинг.
Мискинларнинг юрак-багри маҳзун... ғамдир
Ортганинг.
Тангри, токай хоксорнинг дили дардли,
Гирёндир,
Манман, кибор дардсиз, андишасиз фсьли
Үрэндир.
Киборларинг хоксорнинг аҳволин кўриб
Туар,
Кўриб турса гўрга эди... Кўзлари кулиб
Туар.
Киборларнинг остонасин сўраб келади
Бойлар.
Музтарингнинг қарогига ёшдан келади
Сойлар.
Иккиси ҳам инсон, Тангри, бордир тилак
Орзуси,
Бундай қисматларнинг борми боиси,
Тарозуси?..
Дарчалари лант очилди бирдан арши
Аълонинг,
Саволимта жаюбларин тингладим мен

Оллонинг:

— Мўмин инсонларим офтоб... нур, ёруғлик
Доясидир,
Кибор, манман чин мўминнинг бамисли бир
Соясиdir.
Сояларга дарднинг, мунгнинг йўқдир сира
Кераги,
Дардни, мунгни бергум фақат бўлса иймон,
Юраги.
Юк бераман, дард бсраман тоғ каби
Кўтарганга,
Фсъл бсраман, ўздан кетиб, бузилган
Кутирганга.
Англагайсан, бандам бир кун, бунда бордир бир
Ҳикмат,
Ҳар кимсанинг қилмишига тақдир эрур
Тариқат.
Ҳар қисматнинг ёзуви бор, интиҳо
Ниҳояси,
Барин яширган ер ўзи хоксорлик
Онаси.
Кўкка эмас, срга боққил, ср айтади
Барини,
Кибор, кибрнинг не ҳоли, нс кутар
Камтаринни...

* * *

Бири кетди...

Бемаъни аразлар йўл бошлади сарбондай.
Ўзгаси қолди,
Еурури эрмаклади – туюлди у фармондай.
Ўртади,
Икки дилни гумон, ғашлик деган балолар,
Ўртада,
Титраб, ўқсиб ётар остона ҳам армонда.
Боқсалар-ки,
Ўтган қунлар карвони нур, гоҳ туманларга эврилган,
Билсалар-ки,
Рашкнинг отир юки майиштан бу карвонда.
Ишонч...

Тоғидир, суюнмасант, саҳро ёқар, ютар жарлик ўпқони,
Бўзлар,
Етим меҳрларнинг бири Магриб, бири Машриқ томонда
«Кечиринг»...
Бу сўз – кимё, аъмоли ишқ, кони қудратдир,
Кечиринг,
Бир-бирингиз, умрингиҳ ҳам ўтар дориломонда.
Йўқ.
Фармони олий экан қаҳри қаттиқ ғурур қургурнинг,
Арас ҳам
Ўз қарорида саргаярди мисли сомондай.
«Узр» сўзи
Чиқолмади тишнинг метин кўргонларидан,
Яхши
Айрилди охир яхшидан, ёмон ҳам ёмонидан.
Нуради,
Ана шундай қилиб оиласнинг тахти-равони,
Муҳаббат
Қолаверди мўлтираб эски бир жомадонда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

(Ойнаи жаҳондан бериладиган маълумотни тинглаб...
Ярми ҳазил, ярми чин)

Аэзиз дўстлар, тинглаб олинг об-ҳавони,
Аввал яхши англаб, очинг сўнг жовонни.
Маълумот кўп тўғри келмас – энг ёмони,
Ёмғир ёғар... ёғаслигин тахмини бор.

Бугун тонгдан ёмғиру қор мўл ёғади,
Ҳаво булат, муз аралаш дўл ёғади,
Истасангиз нур ёғади, гул ёғади,
Чалпак ёғар... ёғаслигин тахмини бор.

Бугун Тошкент узра қалин туман бўлар,
Қуёш кўринмайди, деган гумон бўлар,
Ёмғир қуяр... анҳорлар ҳа уммон бўлар,
Куйса қуяр... қуймаслигин тахмини бор.

Бугун тонгдан қор бўрони кутгилмакда,
Пешиндан сўнг гул баҳорга ўтилмакда,
Оқшом чоги гунча кулар ҳар куртакда,
Чақмоқ чақар... чақмаслигин тахмини бор.

Бу йил ажабтовур келди қиши ҳам, куз ҳам,
Осмонларга қарайвериб толди күз ҳам,
Пала-партиш об-ҳаводан шувит юз ҳам,
Ссл келади... келмаслигин тахмини бор.

Қизлар берар об-ҳавонинг дарагини,
Кулоқ йўқ тинглашга, кўз йўқ қарагани,
Болакайлар учирешар варрагини,
Куон бўлар... бўлмаслигин тахмини бор.

Қор дедилар... она қуёш чарақлади,
Қуёшли кун деди... музлар тарақлади,
Об-ҳаво китобининг варақлари,
Чалкашибди... деган элнинг тахмини бор.

Бугун тонгдан қуёшимиз кулиб турар,
Оқшомданоқ кўкда юлдуз тўлиб турар,
Тунда шамол — тало-тўплар бўлиб турар,
Юлдуз ёғар... ёғмаслигин тахмини бор.

Маникюрли ул бармоқлар — ҳикмат бари,
Қўллар харитада йўрғалаган сари.
Эй офарин, дейсиз, об-ҳаво сарвари,
Ҳикмат ёғар... ёғмаслигин тахмини бор.

АЛАҲСИРАШ

(Пойинтар-соинтар сўзлар ўигиндисидан иборат,
бенарда пойма-поӣ қўшиқларни тинглаб...)

Қиз йигитга зорланади, зорланади,
Зорланади кимдир... ёмон хорланади,
Айтинг, қизларимиз қачон орланади?
Бундай қўшиқларни еллар юлиб кетсин.

«Узоқ кетманг, мен согиниб қоламан,
Кетманг ака,вой мен кўйиб, ёнаман,
Йўлингизга мен термулиб қоламан...»
Бундай изҳорларни селлар олиб кетсин.

«Етолмаган муҳаббатим, ёр қайдасан,
Етолмаган армонларим, ёр қайдасан...»
Излаб топай, ботқоқдами, тўқайдасан,
Бундай қизлар гул бўлса гар сўлиб кетсин.

Ҳаё, ғуур, иффат шунча хор ўлдими?
Түйгу оёқ ости, ишк бозор ўлдими?
Ўзбек қизи шунчалар хоксор ўлдими?
Қадрнинг бундай бозори ёниб кетсин.

Қизлар йигитнинг пешига осилмагай,
Бундай бесҳаёлик шеърга ёзилмагай.
Иффат – ноёб кимё... арzon сотилмагай,
Ўткинчи яллолар тезроқ сўниб кетсин.

Кўрдим қаҳратон қиши... январнинг чилласи,
Ярим-яланғоч қўшиқчи... бу нимаси.
Хонанданинг йўқми шарқона либоси,
Шундай эрса, миллатидан тониб кетсин.

Товон зарбидан синар ер қобирғаси,
Елка, қўллар, тизза... ўйноклар сийнаси,
Бир сийқа сўз юз бор тақрордир чамаси,
Бундай қўшиқ ёзган қўллар синиб кетсин.

Миллатимнинг тошни кесар сўзи бордир,
Оёқ қўйманг, иссиқ-олов юзи бордир,
Сўзи писанд эрмас бўлса ўзи бордир,
Faфлатда юрганлар уйғониб кетсин.

Йўқса, саҳна тўлгай сўзи хасталарга,
Ўтмас мато тўлганидай расталарга.
Тўй, тўйчиқлар кезиб, пул, гулдасталарга,
Тузоқчилар оро йўлда қолиб кетсин.

Иситмаси баланд одамлар дафъатан,
Алаҳсира... айлар қулоқларни батанг,
Халқ ғазаби бир кун супургай саҳнадан,
Бундай суприндиларни ел олиб кетсин.

Қушиқ айтинг, юзингизда ҳаё бўлсин,
Майли севги, майли ҳамду сано бўлсин,
Санъатингиз элга ота-она бўлсин,
Эл меҳрингиз юрагида олиб кетсин.

Элимизнинг нозик таъби, бор назари,
Яхшиларга ҳурмат, ёмондан ҳазари,
Мехри бисёр, нописандларга озори,
Ушбу ҳикмат тўғри йўлга солиб кетсин.

«УМР ДАФТАРИ»ДАГИ ҚАЙДЛАРДАН

Йўлинг қай даргоҳга тушса, ўшал даргоҳ сен учун азиз ва муҳтарамдир. Қабристон саждагоҳимдир. Падари бузрукзорим у ерда. Волидайи мухаррамим ҳам. Устозларим, умр йўлдошим, бир умр излаганим, согинганларим ўша срدادир.

* * *

Қабртошларга термуламан. Мармар сағаналар устида хивичлардай синиб кетган нурни кўраман.

Қабртошлардаги битиклар тариқлардай тирқираб кетган дурга ўхшайди. Улар тошга сингган! Тош бағрига дарз солган кўз ёшлар.

Қабр тошларга қазо кунини ёзинг. Таваллуд кунини ёзмоқ шарт эмасдир. Негаки, умрнинг ҳар они ўзи бир қазодир.

* * *

Йўқлик дунёсига тез-тез бориб турган савобдир. Бу ерга ирмоқ бўлиб боргандар, дарё бўлиб қайтарлар. Кўлмак бўлиб боргандар, баҳри уммонларга айлангувсидир. Йўқлик дунёси Сизга не-не борликлардан ривоятлар, ҳикматлар сўзлагай.

* * *

Йўқлик дунёсида қулогимга бир садо эшитилди: «Ёмонликнинг, устозга, дўстга хиёнатнинг жавоби шу срدادир, мана бу чоҳларнинг остиладир. Қабоҳатнинг, меҳрисизлик, тошбагирликлар, зўравонликларнинг жазоси ҳам шул срدادир...»

Мана бу гунг сағана нечун дарз кетди? Остидаги ғалаёнлар, саволсўровлар учун эмасми! Гуноҳлар савоблардан кўра кўпроқ эканига бир ишора эмасми бу! Гунгту лол сағаналар остида доду фарёдлар йўқ, деб айтиб бўладими! Марҳумлар фарёд ческмайдилар деб-чи?

* * *

Эй, кўкдаги юлдузларга маҳлиё бўлиб, масрур хаёл сураётган мунажжим, магрур қадам ташлаб бораётган ўғлон, инсоний меҳр ҳақида нутқ сўзлаётган нотик! Ҳоки пойингиздаги юлдуз кўзларини, боболар ҳокини босиб олмадингизми?

* * *

Дўстим, ҳамроҳим, рақибим! Сизга айтар сўзим бор. Мансаб учун қувонманг, дўст кўнглини, мусибатли одам кўнглини олганингиз учун қувонинг. Инсон ёдини олиб тиз чўкканингиз – Сизнинг магурлигингиздир. Қиличнинг кучи стмаган дунёга меҳрнинг кучи етади.

* * *

Үлим нимадир? Унинг кўзлари ўткирми? Қанотлари учқурми?
Панжалари мегинми? Келар фурсати, соати борми?

Үлим – девор эмас,
У бир дарвоза . . .
Доим очиқ турар қўш равотлари.
Унинг номин одам
Кўзин ёши билан ёзар,
Үлим қайиргандан келиб,
Қўш қанотларин.
Үлим – девор эмас,
У – дарвоздадир . . .
Темир равотлари очиқдир аниңг.
Ҳеч ким,
Ҳеч қачон кўрган ҳам эмас,
Унинг панжасидан кимса омон қолганин.

* * *

Кўз ёш нимадир? У – юракдан чакиллаб, сизиб томган зардобдир.
Мусибат нимадир? Мусибат – кўз ёшларга эврилган унсиз фарёдлир.
Сукунат, бардош қалъясини нуратган, юракдан оромингни, кўзларингдан хобингни юлиб олган, тоғдай қаддингни дол айлатган кулфатдир ул.
Ул – дўстингнинг йигиси, душманингнинг кулгусидир.

* * *

Куйчи қушлар, булбуллар жим бўлишди,
Жўрчи қушлар бутоққа жам қўнишди.

* * *

Булбуллар бас айладилар сайрашни,
Зоғлар энди тумшугини қайрашди.

* * *

Булбул севар эмиш тонгнинг байтини,
Зоғ ардоғлар эмиш зулмат пайтини.

* * *

Ҳазон ёғди... Барглар олтин тангаларга ўхшади,
Куз пойига дарахт зарбоғ поёндозин тўшади.

* * *

Олма банддан узилди... сүнг, тап этиб тўкилди,
Боғда кузак баёзин битта банди ўқилди.

* * *

Оқил аёл ёқса олов, ўчоғида кули бўлмайди,
Жоҳил аслнинг бе сурон, бс манимаша куни бўлмайди.

* * *

Оқил аёл уйга кирап ёниб ғамнинг эшигин,
Жоҳил аёл тебратади ҳар кун ғамнинг бешигин.

* * *

Оқил аёл қайга борса оstonада туради,
Нодон мудом тўрга чиқиб, соллониб ўлтиради.

* * *

Оқил аёл зеб бермайди ҳеч сўзига, ўзига,
Нодон сира тап бермайди сўзни улаб сўзига.

* * *

Элдан сўранг иффати бор, номуси бор аслни,
Эрдан сўранг ўзгасининг иффати-ю аъмолин.

* * *

Хофиз куйлаб шуҳрат топди... шуҳратдан ўздан кетди,
На ўздан, сўздан кетди, сўнг дилдан, кўздан кетди.

* * *

Алдар кўса бирдан дўппи кийди олиб сочини,
Иймон ўзгармади, ўзгартириб олди фақат тожини.

* * *

«Мехр» дўконида меҳр сотилябди қадоқлаб,
Меҳрдан ҳам уриб қолябди меҳри чатоқлар.

* * *

Пештоқида «меҳр» сўзи зарҳалларда ялтирас,
Пештахтада меҳр ўзи хижолатда мўлтирас.

* * *

Саҳар чоги қулогимга кирап «азон» овози,
Бу мустақил юртда туғилған гүдакнинг садоси.

* * *

Бир барг узилади япроқдан...
Тупроққа оҳиста қўяр бош.
Оҳиста жон берар титроқда,
Гўс ерни ўяр харсанѓтош.

* * *

Ёлғизлик — ўпқондир, зардоб тўлдирилган,
Забунлик судраб борар кўзларингиз боғлаб.
Ёлғизлик — тирик тан, лек ўлдирилган,
Ул тор ичра... босиб ётади тоглар.



ТИНЧЛИК АСКАРИ

(Она ва чегарачи ўнл мактублари)

БИРИНЧИ МАКТУБ

ОНА

Кўқдан садо кслар... Мен жим ёнаман,
Кўркув юрагимга қолар ёзилиб.
Сергак хәслимни йўлга соламан,
Қолгандайман даҳшат ичра осилиб.
Омонисан болам, сергак посбоним?
Дилим кемирмасми ҳасрат ва коҳиш,
Недир у талотўп этган осмонни?
Қарогларим бўлсин бошингга болини,
Жавоб айла, интизорман ўғлоним!

Замин титрастир... тушар у терга,
Ташвишланиб бошим қўйгум тупроққа.
Йўқ, йўқ! Юрагимни босаман ерга,
Қалбим айланади яна сўроққа.
Минглаб шаҳидларнинг тепади қалби,
Менга жавоб айлар майса, ўланлар,
Табаррук, не азиз жонлар матлаби,
Қақшамасин тириклару ўлганлар
Тинчлик голиб кслар, доим ўғлоним!

Яна қуюн кслар, шамол айланар,
Чегарамиз тинчми? Батағсил ёзтил.
Киприкларим найза бўлиб шайланар,
Ким у хәёлларим риштасин узган?
Машқдадирсан балки осмонда, ерда,
Нигоҳдан ўтказиб азиз матьони.
Юрагим бозонта, не гап тоғ, қирда,
Туманлар қоплади мовий самони,
Не гап бу? Тинчликми, ёзгили, ўғлоним.

ЎФИЛ

Тинчликни асрароқ осонмас ҳозир,
Дунёнинг ярмида ёнар алантга.
Тинчлик қалья эмас ё бир жавоҳир,
У садо – таралиб кетди оламга.

У менинг қалбимда, менинг жонимда,
У бизнинг боддадир, ранглар қатида,
Беланчак қошида, бешик ёнида,
Қизлар ёзаётган хуснихатида,
Кўз нурим, қайноқ қонимда, онажон!

Дунёни айланар қүёшдек балқиб,
Нотинч чегаралар тўсар йўлини.
Қайдадир ёмонлар кишанлар тақиб,
Қўрқитар рўбарў қилиб ўлимни.
Тинчлик фарёдларга айланар шу дам,
Заминга тер бўлиб сингиб кетади.
Дилингизда кўчкин кўчса қўркувдан,
У гулдурос, чақин ёқиб ўтади.
Тинчлик наъраси бу, қўрқманг, онажон!

ОНА

Ўғлим, хатинг олдим, шу бир варақда,
Она ер, тул, қўёш тасвири бордир.
Ёзисан: «Гул Ватан кўзу қароқда,
Фақат, соғинган дил кўп интизордир.
Хаёлим стаклар ўша барқут ранг,
Богларим, қирларим, қирмиз гулларим...
Сиз чертган дуторнинг торидай таранг,
Үйғофу, тугёнда ўтар тунларим.
Тинчликни асрармиз, қўрқманг, онажон!»

Истиқлолни асра, сергак бўл, ўғлим,
Юрагим, нигоҳим, меҳрим йўллайин.
Ўшал садоларга эргашар кўнглим,
Кечалар азиз бошинг қўриқлайин.
Ўшал садога мен кстайин сингиб,
Ўшал садони мен олай бағримга.
Мен аскар онаси, террорни снг деб,
Сени шунқоргинам, тутдим ҳалқимга,
Ёнингдаман, бардам бўлгин ўғлоним!

ИККИНЧИ МАКТУБ

ОНА

Майсалар йиғлабди субҳи саҳарлар,
Шудринглар күз ёшдай титраб турарди.
Бедор ҳәслимда яна сарҳадлар,
Безовта юрагим бежо уради.
Согинчим талпинар сенга, қуёшга,
Күз нурим офтобга кетар қүшилиб.
Болам, азиз бошинг тегмасин тошга,
Армон келмасин останата баш уриб.
Хат ёзмадинг ўтди баҳор... ўғлоним!

Ҳижрон – дард... қўксимга қолар михланиб,
Хонангта кираман мен чироқ ёқиб.
Расмингта термилиб қолгум сукланиб,
Болам, юртимиз тинч, донолар соҳиб.
Яшайлмиз бунда биз бехавотир –
Хаёлим бузади нотинч саволлар.
Ширин ўйкумдан ҳам баъзан уйготур,
Деразангни очиб – ёпган шамоллар,
Чистарамиз тинчми, тинчми, ўғлоним?

ЎФИЛ

Улкан чинор бўлса шу азиз Ватан,
Томирлари ўғлингизнинг жонида.
Япроқлари ҳаёт олар меҳридан,
Муҳаббати кезар тоза қонида.
Уни асрагайман юрагим ичра,
Қароғимни айлаб унга посбон.
Ҳар қадамда сизга бир учқун учрар,
Ҳар одимда сизга бир ўт соябон,
Қўрқманг, у кўзларим нури, онажон!

ОНА

Ардоғингда асра юртингни болам,
Нигоҳингта ўра уни тузукроқ.
Сендан мадад кутиб турибди олам,
Бу заминнинг кайфияти бузукроқ.

Сенга күзларимнинг нурин берайин,
Олгин соchlаримнинг тўлқинларини.
Болам, меҳрим бир нур, сени ўрайин,
Сенга тутай дилим ёлқинларини,
Сенга юрагимнинг тўри, болажон!

ЎФИЛ

Менга ишонган эл, халқим ўғлиман,
Мустақил диёрим — иссиқ бағримда.
Мен унинг туғенли, ўтли кўнглиман,
Посбонлик бурч эмас, у тақдиримда.
Мунис келинчаклар нон ёпсин учун,
Болакайлар тўйиб эмсин учун нур,
Севги, ўланли уй баҳт топсин учун,
Ўғлингиз постида уйғоқ, бир умр,
Ором ҳамроҳ бўлсин сизга, онажон!

ОНА

Тенгқур дўстларингдан суюнчи сўра,
Йигирмага кирдинг, шунқорим бу кун.
Буванг айтган ўшал удумга кўра,
Сенга юбордим мен каттакон тугун.
Қаро кўзларингдан ўргим келади,
Гулдек нафасингни кўмсағ энтиқдим.
Супра ёйдим, оппоқ ун ҳам эладим,
Келинимга атаб кўйлак ҳам тикдим,
Сени кутар севган қизинг, болажон!

УЧИНЧИ МАКТУБ

ОНА

Совчи бўлдим ўшал қизга болажон,
Дуррачалар бичдим офтоб рангида.
Тинч бўлсин элатлар, куррайи замон,
Ёр-ёрлар айтгим бор, куй жарангиди.
Армонларим кетсин куйдай сочилиб,
Чимилдиқлар тортай кўзим нуридан.
Елкангта чопонинг ташлаб лочиним,

Соллониб ўтиргин уйим тўрида.
Ўшал дамга старманми, ўғлоним?
Далаларда яна хирмонлар дуркун,
Оппоқ чодирларга чиққанмиз кучиб.
Осмонга термилиб толарман ҳар кун.
Нигоҳларим ёнар юлдузлар қучиб.
Кўзларимнинг нури кетар тўкилиб,
Аргимчогин учиб юлдуз кўчганда.
Юрак-бағрим қолгандайин сўклиби,
Тонглар отиб, сайёralар ўчганда –
Чўлпон кўзинг ўпарман мен, ўғлоним!

ЎФИЛ

Онагинам, тилагингиз мўл бунча,
Мактуб эмас, улар оромбахш ранглар.
Ҳар сўзингиз келтирди бир гулғунча,
Хаёлимда боғларда куй жаранглар.
Сўнгра, гуллар туманларга қоришиб,
Фойиб бўлар сарҳад, сароблар ичра.
Тонглар отар бўлса кулиб, ёришиб,
Нур қўйнида она диёрим учрас.
Хаёл ичра ўтарман мен, онажон!
Узр, она, сўзим узилиб қолди,
Недир ўтди хаёлимдан от солиб.
Кимдир пинҳон чегарага йўл солди,
Қалам, қогоз қолди... милтиғим олиб,
Хабар олдим тентираған хатардан.
Еллар экан ўтаётган қувлашиб,
Шамолларга айланди тонг отарда.
Япроқлар дув тўкилшилар қувлашиб,
Ел тинчисин, кутарман мен, онажон!

ОНА

Чегарадан шамол ўтар, эҳтимол,
Хушёр бўлгин ўтмасин қуюнлари.
Бундай чоёда мактуб этма ихтиёр,
Куюнларнинг бор минг хил ўйинлари.
Дилинг машъал, кўз нуринг чароғ бўлсин,

Иродангни ҳамроҳ қилиб бирга ол.
Мен берган ишқ кўлингда яроғ бўлсин,
Кучинг кетса, бағрингни бос, замин бор.
Сен-чун юрак ютарман мен, ўлоним!

ТЎРТИНЧИ МАКТУБ

ОНА

Кўшни юртнинг осмонида туманми,
Яна қандай булат келди сурдалиб?
Яна кимлар йўлга солди ёмонни,
Яна кимлар куйгай, бағрин ўт олиб.
Кўк гумбази қарсиллаб кетди бирдан,
Замин титрар бўлди тало-тўплардан,
Илтижолар айлай тун-кун тақдирдан,
Олов чатнамасин яна тўплардан.
Ишончларим бутун қолсин, ўлоним!

Болам, осойишта бўлсин ҳар кечанг,
Ухласанг ҳам майли тошга қўйиб бош.
Назаримда дунё ўзи оғир жанг,
Тўзгитарлар уни бот-бот ўт қўйиб.
Кўз нурларим сингай қофоз-қаламга,
Муҳаббатим ингай мактубларимга,
Ҳаяжонлар ичра боқиб оламга,
Тонг улангай бедор ул тунларимга.
Ўтлар олар хаёлимни, ўлоним!

ЎҒИЛ

Бобо юртим бўлсин дориломонда,
Тераверсин тилло-кумушларини.
Далаларда, ёбонларда, чаманда,
Кўрай истиқлоннинг юмушларини.
Кўз нурларим инган азиз даламга,
Муҳаббатим унган, бояг, қояларга
Сажда айлай озод юртим, онамта,
Сажда айлай офтобим, сояларга.
Юртим кўзим нури ичра, онажон.

ОНА

Инсонга бир парча ер қабр дерлар,
Киндик қони тушган тупроқ макони.
Лекин озор чекар денгизу, чүллар,
Жунбушларта келса инсон ёмони.
Озор чекар тоғлар, йўллар, ер, чайла.
Озорларда қолар орзу хаёллар.
Азаларга айлангувсидир туйлар,
Марсиялар айтмасин ҳеч аёллар,
Ҳаммасига қирғин сабаб, ўғлоним.

Онанг ўз уйида, ўз тупрогида,
Даласида терлаб меҳнат қилади.
Лекин билар, срнинг қай пучмоғида,
Қай осмонда ёрут юлдуз қулади.
Ажиб ҳайрат ичра тинглаб ҳар кеча,
Тало-тўпларидан тугайди сабрим,
Болам юртни асра, токи ўлгунча.
Сарҳадларда майли, қолса-да қабринг,
Эл қалбида ўлмассан, билгил ўғлоним!

ЎФИЛ

Ватан деб жанг қилар, аскар берар жон,
Онанинг оқ сути билан онт ичиб.
Ўн гулидан бири сўлмаган ўғлон,
Тўй кўрмаган бир гул қизил қон кечиб.
Ватан мұҳаббати қайноқ қўксисда,
Тупрогини асраб, ўзи йиқилар,
Қора булут қоплаб осмон устида,
Бало ёғар, одам тутдай тўкилар.
Бундан аччиқ армон борми, онажон?

Инсонга она юрт – энг азиз макон,
Инсонга парча ер – қабр... тўгри сўз.
Лекин инсон дилида яшаркан вижлон,
Бесором куррани кузатаркан кўз.
Биродарлик учун онт ичса йигит,

Ўша оңт унинг-чун бўлса бир иймон,
Қабри ўша... Бу на ҳикмату ўгит,
Киндик қони унинг ўша бегумон —
Бурч бу — муқаддас куч эрур, онажон?

Юртлар кўп, тиллар кўп, кўпdir музофот:
Дини ҳам бошқадир, мазҳаби бошқа.
Лескин дил айланиб қолмаса тошга,
Инсон-чун бу олий, олий мукофот.
Тинчлик макон бўлган бу кенг дунёни,
Ажратиб туролмас ҳеч қандай сарҳад.
Аскар ҳам тинчликнинг содиқ ўғлони,
Юрагида унса юртга муҳаббат.
Юрт омон дегани шудир, онажон!

Бир аскар тошларга шундай ёзибди:
«Биродарлик учун қовушган қўллар,
Қабрим устин безаб турсин, истайман.
Тинчлик дунё кезса, у ўтган йўллар.
Устида бир хасдай ётмоқ истайман.
Дунёда бахиллик эмас, оқиллик,
Тантана қўлсин деб курашдик бизлар.
Йўқ бўлсин урушлар! Битсин жоҳиллик,
Дея қасам ичдик ўзбек, тожик, руслар!..»
Дўстликсиз дунё ҳам тордир, онажон!

БЕШИНЧИ МАКТУБ

ОНА

Шукр, болам дўстларинг сонсиз-саноқсиз —
Дунёнинг бағрига кетмиш таралиб.
Кўпи йўқсил, улар кўпи паноҳсиз,
Лекин инсон бари оналардан яралиб:
Орзу, меҳр, умидларга йўғрилган,
Демак, айбдори ёмонлар ҳамон.
Инсон умр шаъмин барвакт сўлдирган,
Юрагида қолиб кетган бир армон —
Тинчлик деган азиз неъмат ўғлоним!

Дунёни парчалаб чегараларга
Нега энди дүстни дүстдан айришар?
Бахтни, күтни бўлиб заррачаларга,
Нега нурни лойқаларга чайишар?
Аскарнинг тобути сарҳадлар ошли.
Дебсан, қолгани йўқ бегона юртда.
Демакки, заҳматлар кўпирди, тошли.
Диллар ёнди ёмонлар ёқсан ўтда..
Ёмонликдан қалбинг асра, ўғлоним!

ЎҒИЛ

Бўлса эди дўстлик... яна муҳаббат,
На сарҳад бўларди, бегона тупроқ...
Бўлса эди меҳр, мурувват, шафқат –
Иймон-эътиқоду бўлса буюкроқ.
Инсон тиз чўкмасди, бўлмасди хароб.
Чегара дегани оддий бир чизиқ.
Ёмонлик бўлсайди бир йўла сароб,
Одам одамийлик изласа ўзи.
Дунё кезса меҳр, шафқат улашиб,
Ёзузликни йиқиб, бузиб, кўплашиб,
Дунё дориломон эди, онажон.

ОНА

Хайр, болам, бошинг парқуда бўлсин,
Дўстларинг кўпайсин, орзуларим шул.
Душманнинг юраги кўрқувда бўлсин,
Тинчлик ўтганида ўйнатиб дулдул.
Самога омонлик, ерга омонлик,
Тилайман инсофли бўлсин деб одам.
Дунё тинчки, юрт ҳам дориломонлик,
Юрт тинч-ки, кўрқмайин ташлаймиз қадам,
Бу иш тинчлик аскарига қолди, ўғлоним!

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида	5
Фунчага термуддим	7
«Дунё дуннинг ўнг қўлида...»	7
Китоблар маҳзани	8
«Дардли келди...»	10
Кел меҳр, келгил қошимга	10
«Шукроналар айтай...»	11
Наврўзим, орзумнинг	
сргуғ юлдузи	12
Юрт соғинчи	12
Тупроқ	13
Оналик	14
«Қўнглимни пора қилдим...»	15
Икки дўст	16
Мавсумлар	18
Баҳор	18
Ёз	19
Куз	19
Қиш	20
Нақдош	21
Акс-садоли кардиограмма	21
Дунёда ифорли бир гул бор	22
«Меҳр йўлида эди...»	23
Тонг – мунавварликлар	24
Йўқлов	26
Юрак	27
Қайларда эдингиз	28
«Ёмонлик, қабоҳат, ўч,	
кин, разолат»	28
Аёл, борлигингга минг	
бора шукур	29
Баҳор шамоллари	30
«Қўзларим жуфт юлдуз...»	30
Қишлоқ аёлининг салтанати	31
«Онамни ёд этиб...»	32
Чайла	33
Одамзот	36
«Донишманд борарди...»	36
Ализим, не керак дабдаба	38

Шеърим	40
Таннозларга	40
«Хайқириқдан тиграпди минбар...»	42
Қарсаклар	42
Сукунат дунёси	42
«Топдим деб иззату ҳурмат...»	44
Эъзозлари қолди...	45
Таскин	46
Дунё, сенинг орингдирман...	47
Умр – бозор	48
Эй дил...	49
Бу ўша, наvrўз	50
Бувижоним – кўхна жаҳоним	51
«Соҳир дунё, яширганинг ошкор ўлди...»	51
Остона	53
«Ҳали қоямассиз, менимча...»	54
Парвуз	55
Ҳаёс	55
Ирмоқ кўшиги	56
Паноҳ тополмасин..	56
«Ҳаётнинг осуда дамлари...»	57
Кўнглим	58
Ошиқона	59
«Ҳозир эркин-эмин замон...»	60
«Бири кетди...»	61
Об-ҳаво маълумоти	62
Алаҳсираш	63
«Умр дафтари» даги қайдлардан	65
Тинчлик аскари	69
Биринчи мактуб	69
Иккинчи мактуб	71
Учинчи мактуб	72
Тўртинчи мактуб	74
Бешинчи мактуб	76

Эътибор Охунова

ДИЛ МАХЗАНИ ИЧРА

Шеърлар

Муҳаррир *C. Сирожиддинов*
Бадиий муҳаррир *Ш. Одилов*
Мусаҳҳих *M. Усмонова*
Техник муҳаррир *E. Толочко*
Саҳифаловчи *C. Нулатов*

18.10.2004 йилда босиншга рухсат берилди. Шарғли б.т. 4,65. Нашр б.т. 3,58.
Бичими 60×84 ¼₁₆. Алади 500 нусха. 2-2004-буюртма.

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигининг
Чўлонинномидаги нашримёт-матбаа ижолий уйи техник ва дастурий
воситалари базасида чоп этилди.
Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.